

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси**

**ҚУРБОНОВ ХАЙРУЛЛО МУСАЙЕВИЧ**

5230100 –“Иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича бакалавр  
академик даражасини олиш учун " Иқтисодиётни  
модернизациялаш шароитида таркибий ўзгаришларни амалга  
оширишнинг ташкилий иқтисодий жиҳатлари ва йўналишлари  
(Миллий иқтисодиёт мисолида)” “мавзусида бажарган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:           ката ўқитувчи: М.Нурмухамидова**

**ГУЛИСТОН -2016**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	
<b>I-БОБ. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b> .....	
1.1 .Модернизация ва таркибий ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уни тадқиқ этишнинг назарий масалалари.....	
1.2 . Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жамиятдаги таркибий ўзгаришлар.....	
1.3 Таркибий ўзгаришлар шароитида аҳоли даромадларнинг табақалашуви..	
<b>II-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЎЗБКИСТОНДАГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ</b> .....	
2.1. Инвестицияларни жалб этишнинг таркибий ўзгаришлар учун аҳамияти...	
2.2.Таркибий ўзгаришлардаги давлатнинг инвестиция сиёсати ва унинг роли.....	
2.3. Инвестицияларнинг молиявий манбалар таркиби ва унинг ўзгариши.....	
<b>III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ</b> .....	
3.1.Иқтисодий ривожланишнинг инновацион омиллари.....	
3.2.Минтақаларни ривожлантириш ва саноати тармоқ таркибининг инвестициявий-инновацион стратегияси.....	
3.3. Иқтисодий ўсишда патент, лицензия ва сертификациянинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	
<b>ХУЛОСА</b> .....	
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш ва олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётимизда муҳим таркибий ўзгаришларни амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда таркибий сиёсатнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторида ўсишининг асосий шартларидан биридир. Шунинг учун республикада иқтисодий ислохотлар, модернизациялаш ва янгиланишлар дастурини амалга оширишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, асосий эътибор иқтисодиёт тузилмасини муайян равишда яхшилаш, унинг бир томонлама хомашё базаси сифатидаги йўналишидан воз кечишга қаратилди ва ҳозирги кундаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда”<sup>1</sup>.

Ушбу вазифаларни бажаришда таркибий ўзгаришларнинг йўллари ва турли шаклларини ривожлантириш биринчи даражали аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йида ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси “Халқ сўзи”, 2014 йил 18 январ.

Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу фаровонликка эришиш йулларидан бири тадбиркорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ. Чунки тадбиркорликнинг ривожланиши, унинг оммавий тус олиши энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни, яъни аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имкониятини яратади. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ушбу долзарб вазифани ҳал қилиш борасида салмоқли, ижобий натижаларга эришилди. Аммо, ҳозирги кунда ҳам модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш ва шу асосда аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

Тадқиқотнинг долзарблиги республикада таркибий ўзгаришларини янада чуқурлаштириш йўлларини топиш ва ривожлантириш масаласи етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий адабиётда охириги йилларда “таркибий ўзгаришлар”, “таркибий ислохотлар” тушунчаларини тадқиқ этишга жиддий эътибор берилмоқда. Таркибий ислохотлар деганда одатда, иқтисодиётда турли секторлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, янги соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ва йирик корхоналар даражасида ташкилий-ҳуқуқий соҳада қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қарорларнинг ўзгариши тушунилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий ислохотларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги аҳамияти шундаки, улар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, инновация ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рақобатбардошликни ошириш учун шароит яратиши керак.

Ўзбекистонда Ўлмасов А., Фуломов С.С., Саидов К.С., Сейтмуратов Р.А., Вахобов А.В., Разикова Г.К. кабиларнинг илмий ишларида таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашнинг шаклланиши ва ривожланиши, амалга ошириш йулларининг тегишли жиҳатлари ёритилган. Аммо амалга оширилган илмий ишларда ҳозирги даврида таркибий ўзгаришларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Бажарилган илмий тадқиқот иши республикамиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, таркибий ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини институционал тарзда, ўзаро боғлиқликда ўрганишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради.

**Тадқиқот мақсади** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таркибий ўзгаришларнинг илмий-назарий асослар, устувор йўналишларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:**

– иқтисодиётни модернизациялаш шароитида "таркибий ўзгаришлар", "диверсификациялаш", "модернизациялаш" тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини янги бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш;

– модернизациялаш шароитида таркибий ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва бозор тизимидаги ўрнини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

– таркибий ўзгаришларини иқтисодий муносабатлар тизимида макро-ва микроиқтисодиётнинг субъекти эканлигини ҳамда уларнинг иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

– бозор муносабатлари шароитида, мавжуд қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида таркибий ўзгаришларини чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– таркибий ўзгаришларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий янгилашда тутган ўрнини таҳлил қилиш ва уларни давом эттириш йулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти.** Мамлакатимизнинг иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ва модернизациялаш содир бўлувчи ижтимоий-иқтисодий ходиса сифатида тадқиқот объекти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, модернизациялаш шароитида иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, уларнинг бозор тузилмасидаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**БМИнинг назарий ва услубий асосини** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ҳамда меҳнат бозори ва аҳоли иш билан бандилиги, ишсизлик муаммолари бўйича ватанимиз ва хориж иқтисодчи олимларининг илмий ишлари ташкил этади.

Мазкур тадқиқотнинг асосини ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меоёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий абстраксия ва гипотеза, тизимли ёндашув, танлаб кузатиш, гуруҳлаш, қиёслаш, статистик ва иқтисодий таҳлил методлари.

**БМИнинг илмий янгилиги.** Бозор муносабатлари ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таркибий ўзгаришларини оқилона ташкил этиш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

– илмий адабиётларда берилаётган “таркибий ўзгаришлар”, “диверсификациялаш” ва “модернизациялаш” тушунчаларининг ижтимоий-

иқтисодий мазмунига аниқлик киритилиб уларнинг янги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди;

– тадбиркорлик билан шуғулланадиган аҳолининг иқтисодий функциялари бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кенгайтирилди ва улар таркибига бир қанча аниқликлар киритилди;

– бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик билан шуғулланадиган аҳолининг бозор тизимидаги ва таркибий ўзгаришларда ўрни асослаб берилди;

– илмий-техника, технологик ва молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар берилди;

– таркибий ўзгаришларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар таклиф этилди.

**БМИ натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишнинг назарий концепциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкинлигидадир. Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Иқтисодиёт назарияси", "Тадбиркорлик фаолияти асослари", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш" каби фанларни ўқитишда, республикада таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**БМИнинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-БОБ. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

### **1.1. Модернизация ва таркибий ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уларни тадқиқ этишнинг назарий масалалари**

Модернизация дейилганда, кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни замон талабидан келиб чиққан ҳолда янгилашга эришиш тушунилади. Иқтисодиётни модернизация қилишнинг қатор турлари мавжуд:

- ишлаб чиқариш воситаларни модернизациялаш;
- технологик жараёнларни модернизациялаш;
- иқтисодиётни бошқариш усулларини модернизациялаш;
- ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш.

Ишлаб чиқариш воситаларни модернизациялаш дейилганда, кўп йил олдиндан ишлатилиб келинаётган техникаларни бугунги кун талабига мос ҳолда янги техникаларга алмаштириш тушунилади. Бир маҳсулотни турли хил технология орқали ишлаб чиқариш мумкин. Масалан, нон олдин ноанавий оддий тандирда пишириб олинар эди. Сўнгра у механизациялаштирилган катта махсус қурилмаларга алмаштирилган. Ҳозир нонни ултратовуш печларда автоматик усуллар билан ҳам тайёрламоқда.

Ушбу натижа ва жараёнларнинг барчаси техника ва технологияларни модернизация қилиш орқали эришилади. Технологик жараёнларни модернизациялаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ушбу тушунчага ҳам катта эътибор бериш зарур. Технологик жараёнларни модернизациялаш дейилганда, олдинги технологияларга нисбатан замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган тежамкор самарали технологияларнинг жорий қилишни тушунилади.

Бошқарув усулларини модернизациялаш ҳам замон талабига мос бўлиши керак чунки илғор техника ва технологиялар билан ишлайдиган ходимларни эски бошқарув усуллари билан бошқариб бўлмайди.

Бошқарув усулларини модернизациялаш дейилганда, бутун жараённи – ишлаб чиқариш, технологик, хизмат кўрсатиш, назорат, инновация каби – бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда бошқариш тушунилади.

Ҳозирги пайтда ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки барча ишларнинг бошида ходимлар туради. Барча жараёнларни такомиллаштирадиган ҳам ходимларнинг ўзлари. Аммо илғор техника ва технологиялар ҳозирги пайтда хориждан келтириляётганлиги туфайли уларни ишлатадиганлар ҳам ходимлар бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида ходимларнинг ҳам малакасини замон талабига мос ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади. Бунга улар малакасини модернизациялаш орқали эришилади. Шу туфайли ходимлар малакаси ва кўникмаси модернизациялаш тушунчасининг ҳам таърифни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш дейилганда, ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш эвазига замонавий усулларда бошқариш, техника ва технологияларни ишлатишга қодир ходимларни янгидан шакллантириш тушунилади.

Ҳозирги пайтда ҳаётимизга кириб келган диверсификация деган тушунча ҳам кенг қўлланилмоқда. Диверсификация дейилганда, иқтисодиётда корхоналар фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ва хизматларнинг турларини кўпайтириш, янги бозорларни эгаллаш жараёнлари тушунилади. Диверсификациянинг тегишли турлари мавжуд:

- жамланма диверсификация;
- горизонтал диверсификация;
- вертикал диверсификация.

Жамланма диверсификация дейилганда, корхонанинг технологик жараёнларни кескин ўзгармасдан олдинги ишлаб чиқараётган товарига ўхшаш янги товарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш тушунилади. Масалан, нон ишлаб чиқарувчи корхона 5 турдаги нон ишлаб чиқараётган эди. Энди бозор талабидан келиб чиқиб, яна 2 та турини кўшиб, уларнинг ассортиментини 7 тага етказди. Мазкур корхона шу тарика маҳсулотини диверсификация қилди.

Горизонтал диверсификация дейилганда, корхонанинг олдинги қўллаётган технологиясидан бошқа ресурс ва энергия тежайдиган самарали технологияни қўллаб, уларни кенгайтирган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши тушунилади. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, электр энергиясини газдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни қуёш ёки шамол энергияси билан ишлаб чиқаришга алмаштириш кўп қулайликларга эга. Шу тарика энергия ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришилди. Яна бир мисол: тўқимачилик саноатида қўлланилаётган ярим автоматлаштирилган технологияларни тўлиқ автоматлаштирилган технологиялар билан алмаштириш эвазига маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам шундай диверсификацияга киради. Натижада технологиянинг такомиллашуви эвазига бир вақтнинг ўзида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиладиган бўлди. Буларнинг барчаси горизонтал диверсификация бўлиб ҳисобланади.

Вертикал диверсификация дейилганда, корхонанинг янги филиалларини, қўшма ва шўба корхоналарини очиш, янги товарларни ишлаб чиқариш, янги бозорларни топиш эвазига олдинги ҳолатини кенгайтириши тушунилади. Масалан, телевизор заводи бозор талабидан келиб чиқиб турли русмдаги радиоларни ва компьютер мониторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу жараёнда янги технологиялар ҳам жорий қилинди ва янги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ёки нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона, бойлик тўплагач ўз маблағи ҳисобидан ресторан ва тўйхона қуриб ишга туширди. Бу мисолда битта корхона мазмун жиҳатидан бошқа характерга эга бўлган

иккитага айланди. Буларнинг барчаси вертикал диверсификация бўлиб ҳисобланади.

Фикримизча, бизнинг мазкур тадқиқотимиз модернизация, диверсификация, таркибий ўзгаришлар каби масалаларга анча ойдинлик киритади.

Жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таоминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатдошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Булар:

- мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган масулотларнинг рақобатдошлиги;
- мамлакат корхоналарининг (фирмаларининг) рақобатдошлиги;
- мамлакт иқтисодиёти тармоқларининг рақобатдошлиги;
- миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги;
- мамлакатнинг рақобатдошлиги.

Айрим мутахассислар рақобатдошликнинг охириги икки шаклини бирлаштириб таърифлайди ҳамда бу таснифга ходимларнинг рақобатдошлигини ҳам қўшадилар.

Маҳсулотнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдошлиги эса турдош, рақобатлашувчи корхоналарга нисбатан бир хил ёки ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол характеристикалари бўйича сифатли ва пастроқ нархларда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имконияти билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдаги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;

## 2) макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати<sup>2</sup>.

Швейсариянинг Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатдошлик тўртта асосий омил билан боғлиқ экани таъкидланади:

- ресурслар (мамлакатда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги, ҳажми ва сифати);

- ташқи рақобат;

- талаб;

- тармоқлараро алоқалар.

Худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда тармоқларнинг рақобатдошлигига ҳам берса бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлилиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу масаладаги замонавий назарияларнинг кўпига асос бўлган фикрлар М.Портернинг изланишларида ёритилган.

М.Портер мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлиги унинг ресурслар билан яхши тaminлангангагина боғлиқ эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат фирмаларининг рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари сурди.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муоммолари: назария ва амалиёт муаллифлар жамоаси: Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ –Т.:Консаудитинформ-Нашр. 2006, 14-б.

Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепсиясига кўра, мамлакатнинг рақобат жихатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат.

Қуйида “миллий ромб” ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1.Мехнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.



**1.1-расм. Мамлакатнинг рақобат жихатдан устунлигини ташкил этувчи унсурлар**

2.Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади ва аксинча.

3.Рақобатдош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини

мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга кўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хом-ашёсининг мўл-кўллиги кўйлак ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади. Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга (1.1-расм).

Ушбу тўрт унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади. Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган, юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради. Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари конъюктураси ва алмашинув курсларининг, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий офатларни киритиш мумкин.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва

диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги тушунчаси билан бир қаторда мамлакатнинг рақобатдошлиги атамаси ҳам қўлланмоқда.

Лозаннадаги “Менежментни ривожлантириш институти” томонидан берилган таърифга кўра мамлакатнинг рақобатдошлиги миллатнинг рақобатбардош бизнес юзага келадиган муҳитни яратиш ва таъминлаб туришига қодирлигидир.

Менежментни ривожлантириш институти берган ушбу таъриф кенг камровли бўлиб, унда давлатнинг рақобатдошликни таъминлашдаги роли катталиги ва фаол бўлиши зарурлиги ўз аксини топган. Чунки сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фаол монетар ва фискал сиёсат олиб бориш, иқтисодиёт ва молия соҳасини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш рақобатдош бизнес юзага келишининг ҳал қилувчи омилларидир.

“Замонавий рақобат курашида сўз, биринчи навбатда, ресурслар, моддий бойликларга эгалик тўғрисида эмас, балки янгиликларни жорий эта олиш қобилияти тўғрисида боради”<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон: жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий қтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎзР ФА Иқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг тахрири остида, - Т.: КОНСАУДИТИНФОРМ НАШР, 2011. 6-б.

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ва иқтисодийнинг рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатган чора-тадбирлар**

Иқтисодийда фаол таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. ЯИМ таркибида саноат ва хизматлар соҳасининг улуши ортди. Саноат маҳсулоти ва экспортнинг умумий ҳажмида қўшилган қийматнинг ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар улуши ошди.

Саноат диверсификация қилинди. Республикаимиз учун янги бўлган тармоқлар барпо этилди ва маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан бирга, экспорт ҳажми ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожлантирилди. Бу эса жаҳон моливий-иқтисодий инқирози шароитида ЯИМнинг барқарор ўсиши, янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омили бўлди.

Хомашё, материаллар ва бугловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ташқи бозорларга қарамлиги даражаси пасайтирилди, валюта ресурслари тежалди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи пасайтирилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар диверсификация қилинди, улар сотилаётган давлатлар сони кенгайтирилди. Бу чора-тадбирлар жаҳон бозоридаги конъюнктура ўзгаришлари шароитида ҳам экспорт ҳажмини кўпайтириш, тўлов баланси барқарорлигини таъминлаш имконини берди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қурилди, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга инвестиция киритаётган, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий қилинди, имтиёзли шартларда кредитлаш тартиби киритилди.

Товарлар ва хизматларга бўлган ички талабни кенгайтириш учун аҳоли даромадларини, хусусан, бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг иш ҳақини ошириш чоралари кўрилди.

Ишлаб чиқариш (транспорт коммуникациялари, ахборот ва коммуникация технологиялари) ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали бизнес юритиш шароитлари яхшиланди.

Рақобатни ҳимоя қилиш, монополлашувга қарши кураш тизими барпо этилди.

Бизнесни, ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи институтлар шакллантирилди.

Макроиктисодий барқарорлик таъминланди, инфляция, валюта курсининг девальвацияси суръатларининг паст бўлишига эришилди.

Хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш чоралари билан бирга, ички бозорни, хусусан, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини тенг бўлмаган рақобатдан ҳимоялаш чоралари кўрилди.

**1.2-расм. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг рақобатдошлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар**

Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий технологик ускуна ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулларини амалиётга киритиш, янги бозорларга кириб бориш орқалигина глобал ўзгаришлар шароитида рақобатдошликни таъминлаб туриш мумкин.

Республикамызда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш учун комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (1. 2-расм).

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Аввало, ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш орқали энергетика мустақиллигига эришилди. Энергетика ва кейинчалик дон мустақиллигига эришиш иқтисодиётимизнинг ташқи таъсирларга бардошлилиги даражасини оширди.

Мамлакатимиз учун янги бўлган автомобилсизлик саноатининг барпо қилиниши бу тармоқ билан кооперация асосида ишловчи ўнлаб корхоналарнинг ташкил этилишига олиб келмоқда. Биргина ўтган 2014 йилда 221 минг 400 та енгил автомобил, 964 та автобус ишлаб чиқарилди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг хорижий мамлакатлар бозорларида рақобатдошлиги уларни экспорт қилиш кўлами кенгайишига асос бўлди.

Инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини муваффақият билан амалга оширишга ижобий таосир кўрсатди. Янгидан барпо қилинган ва модернизация қилинган корхоналарда рақобатдош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш борасида қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда бу борадаги чора-тадбирлар кўламини узлуксиз тарзда кенгайтириш зарур эканини қайд этишимиз зарур.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал

жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

## **1.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жамиятдаги таркибий ўзгаришлар**

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда жамият таркиби ва институтларида юз бераётган ўзгаришлар унинг ижтимоий тузилишига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Мулкчилик ҳамда хўжалик муносабатлари ўзгарди ва ўзгариб бормоқда, ижтимоий табақаланиш омиллари ва механизмлари янгиланиб қайта қурилмоқда, ўрта табақа ва элитани жадал алмашиш жараёни рўй бермоқда. Ижтимоий ҳаётга янги социал гуруҳлар чиқиб келмоқда, маълум бир қатламлар ўз ижтимоий мақомини ўзгартирмоқда. Молиявий ва меҳнат ресурсларнинг хажми, ҳаракати, айланиши ва миқёслари ўсмоқда, янада тезлашмоқда ва мураккаблашмоқда.

Барча юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, социал гуруҳ манфаатлари тизими, хулқ-атвор, ижтимоий ҳамкорлик шакллари ва усуллари ўзгармоқда. Булар жамият ижтимоий ўзгариши жараёнининг ҳар хил томони ҳисобланади. Шунинг учун уларни нафақат алоҳида, балки бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш муҳимдир.

“Жамиятни, аввало ички ҳаракатлантирувчи кучлар таъсири остида ўзгариб бораётган бир бутун ижтимоий тизим сифатида баён этиш асосий илмий вазифа ҳисобланади”<sup>4</sup>.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий концепсиялар учун таркибни қандайдир қотиб қолган бир қурилма деб эмас, балки доимий ривожланувчи бир бутун сифатида тушуниш характерлидир.

---

<sup>4</sup> Саидов К.С., Сейтмуродов Р.А. Социал иқтисодиёт. - Т.: “ЎЗБЕКИСТОН”, 2006. 92 б.

Бунда таркибни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлиги ўзгаришлар манбаи деб тан олинади. Замонавий иқтисодиётнинг асосини, ҳаракатлантирувчи кучини иқтисодий, ижтимоий, демографик ва бошқа омилларнинг ўзаро ҳамкорлиги ташкил этади. Бозор ислохотлари шароитида ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий салоҳияти ўзида уч таркибий қисмни бирлаштиради:

- 1) даромад келтирувчи капиталга эга бўлиш;
- 2) ижтимоий маҳсулотнинг тақсимланиши, силжиши ва айирбошланиши жараёнларига алоқадорлик;
- 3) шахсий даромад ва истеъмол даражаси.

Модернизациялаш шароитида асосий рол биринчи таркибий қисмга тегишли бўлади. Буни асосий сабаблари шуки, нодавлат мулкнинг хўжалик юритиш шакллари турли-туман кўринишлари фаол шаклланмоқда ва таркибий ўзгаришлар фаол ўтиб бормоқда. Турли типдаги (молиявий, савдо, саноат, интеллектуал) капиталлар вужудга келмоқда. Хусусий капитал эгалари ажралиб чиқдилар. Улар таркибида жамиятнинг турли қатламларига мансуб бўлган жуда йирик, ўрта ва кичик мулкдорлар бор. Шахсий хўжаликка эга бўлган ва мулкдорларга айланган (ерни сотишдан ташқари) деҳқон ва фермерлар алоҳида ўрин тутадилар.

Иқтисодий салоҳиятнинг иккинчи таркибий қисми илгари устувор бўлиб, ҳозирда ўз ўрнини биринчисига бермоқда. Чунки, ўрта мулкдорнинг иқтисодий мақоми малакали менежерникидан юқори туради. Бунинг устига, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашиб бориши билан моддий ва молиявий ресурслар манфаатдор хўжайинларга эга бўлмоқда, бу уларнинг талон-тарож бўлиш имкониятини қисқартирмоқда. Ўз капиталига моддий бойликларни тақсимлашда қатнашиш имконига эга бўлмаган фуқаролар улуши кейинги йилларда анча камайди, бироқ улар аввалгидек жамиятнинг энг кўпчилик қисмини ташкил этмоқда. Бу одамларнинг иқтисодий салоҳияти ёлланма меҳнат бўйича даромад даражаси билан аниқланади, уларнинг аҳволидаги асосий

Ўзгаришлар, биринчидан, аввалгидан кўра анча кескин мулкый қутбланиш ва, иккинчидан, меҳнат ва даромад ўртасидаги боғлиқликнинг деярли тўлиқ йўқолганлигидан иборатдир.

Ижтимоий табақалашувнинг бош мезони касбий табақалашув ҳисобланиб, бу меҳнатнинг мураккаблик даражаси билан аниқланади. Бошқа бир қанча муҳим бўлган мезон олинадиган даромад ва моддий фаровонлик, яъни иқтисодий табақалашув ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ўтиш давридаги жамиятдаги таркибий ўзгаришлар ва социал табақалашувни соддароқ таҳлил қилиш мақсадида касбий табақалашувнинг уч асосий гуруҳини кўриб чиқиш мумкин:

1) биринчи табақага асосан оддий ва бир хилда такрорланувчи ҳаракатлар ва иш турларидан иборат меҳнат соҳасида банд бўлганлар киради (масалан, қурилиш ёки саноат конвеер олдидаги ишчилар, сотувчилар, ёрдамчи ишчилар ва б.); янгиликка интилувчи, ижодий характердаги меҳнат ходимлари (профессор-ўқитувчи ва таълим соҳасида банд бўлган олимлар, сиёсатчилар, ишлаб чиқариш ташкилотларининг бир қисми ва б.);

2) иккинчи табақа – маълум усуллар ва ҳаракатлар асосидаги кўпроқ мураккаб интеллектуал меҳнат соҳаси ходимлари (муҳандис, ўқитувчи, врач, бошқарувчи-менежер ва б.);

3) учинчи табақа – ноаноанавий ёки инновацион ёндашув асосидаги янгиликка интилувчан, ижодий характердаги меҳнат ходимлари (фан соҳасидаги олимлар, сиёсатчилар, ишлаб чиқариш ташкилотчиларнинг инновацион қисми ва б.).

Бозор муносабатлари ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида бир табақадан бошқасига ўтишга кенг имкониятлар ва эркинликларнинг мавжудлиги инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишини, унинг касбий ва маълумот даражасининг ўсишини рағбатлантиради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жамиятдаги таркибий ўзгаришлар иқтисодиётнинг кўп укладлилиги ва кўп секторлилигида ҳам ўз ифодасини топади. Замонавий инновацион иқтисодиёт, ўзининг чуқур

моҳиятига кўра, ижтимоий ҳаётнинг шакллари ва намоён бўлишида фикрлар хилма-хиллигини, турли-туманлик, либераллашув ва демократизмни тақозо этади.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши, мулкчилик муносабатларининг ва олинадиган даромад шакллариининг эркинлашуви, иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши, умуммиллий меҳнат бозорининг йўқлиги, ўз-ўзича бандликнинг кенг ривожланиши, бажарилган иш ҳақининг кечикиб берилиши кабилар даромадлар соҳасидаги чуқур тафовутларга олиб келди. Бундай шароитда аҳолининг бир қисми камбағаллик чегарасидан ташқарида қолди, бошқа бир қисми эса, бойиб кетди. Аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасидаги фарқлар объектив шарт-шароитларга боғлиқ.

Ҳозирги давр учун хос бўлган эски ижтимоий институтларнинг жадал емирилиши ва янгиларнинг шаклланиш жараёнлари меҳнат, ижтимоий ҳаракатчанликни ва таркибий ўзгаришларни кучайтирмоқда. Шу муносабат билан иқтидор, маҳоратнинг кадр-қиммати ошиб бормоқда.

Умуман олганда жамиятнинг тузилиши аввалги эски замонга таққослаганда сезиларли ўзгаришларга учради.

Янги вужудга келаётган, жадал ривожланаётган ўрта қатламга тегишли бўлган ижтимоий фаол гуруҳлар (биринчи навбатда тадбиркорлар) жиддий таҳлилга тортилмоқда.

Ижтимоий-таркибий тадқиқотларнинг ўзгарувчанлик йўналишлари кўпинча ижтимоий гуруҳнинг сони ва таркибидаги ўзгариш ва силжишлар таҳлили билан чекланиб қолади. Ижтимоий гуруҳларнинг алоқалари ва ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий таркибнинг тизимлилиги, жамиятнинг амал қилиши ва ривожланишининг чуқур механизмлари, анча кам ўрганилган. Шунинг учун уларнинг предмети ички ҳаётдан ва ўз-ўзини ривожлантириш механизмидан маҳрум бўлиб қолади.

Мамлақатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширмасдан, рақобатдош иқтисодиёт, пировард натижада эса рақобатдош мамлақатни

барпо этмасдан туриб, ўрта муддатли истикболда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдек стратегик вазифани амалга ошириш мумкин эмаслиги юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилди.

Бу мақсад мамлакат иқтисодиётини изчил равишда ислоҳ қилиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш орқалигина таъминланиши мумкинлигини илғор давлатлар тажрибаси кўрсатиб тургани Президентимиз маърузасида алоҳида кайд этилди (1.3-расм).

“Республика саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекси ва корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида” қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишари тўғрисида»ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда янги босқич бўлади.

Дастурга кўра, республикада саноат тармоқларини жадал ривожлантириш орқали унинг ЯИМдаги улушини 2013 йилга қадар 28 фоизга ўстириш, якуний тайёр маҳсулотларнинг саноат маҳсулоти умумий ҳажмидаги улушини 61,2 фоизга, саноат маҳсулоти экспортининг мамлакат экспортидаги улушини эса 71,8 фоизга, экспорт қилинаётган саноат

маҳсулотлари ҳажмининг жами саноат маҳсулотидаги улушини эса 63,2 фоизга етказиш кўзда тутилган




### **1.3-расм. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлаш шартлари**

Бу параметрларга эришиш учун 2011-2015 йиллар давомида 25,67 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ инвестицияларни ўзлаштириш мақсад қилиб қўйилган.

Сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга катта миқдордаги инвестицияларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш орқалигина эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1623-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2012-2016 йилларда, ҳисоб-китоблар бўйича, қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.



**1.4-расм. Ўзбекистон Республикаси саноатини 2015 йилги ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари<sup>5</sup>**

Жорий йилда Самарқанд вилоятида йилига 3 минг дона юк автомобиллари ва прицеп техникаси ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуани яратиш (қиймати 69,38 миллион доллар), Андижон вилоятида “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ автомобиллари учун йилига 900 минг дона диск ва 123 минг дона шасси узеллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, Фарғона шаҳрида юқорида зикр этилган янги модел автомобиллар учун йилига 120 минг комплект штамппайванд деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, автомобил ўриндиқлари, ойналари, аккумуляторлари, кўтаргичлари, бамперлар, пластмасса деталлар, эшик қопламалари, радиаторлар, вентеляция ва иститиш тизимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Ушбу лойиҳаларнинг аксарияти маҳаллийлаштириш дастурига киритилган. Автомобилсозлик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори.

корхоналарнинг кўпайиши, ўзига хос кластерларнинг юзага келиши, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши тайёрланаётган автомобиллар нархининг барқарорлигини, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Сирдарё вилоятда иқтисодиёт тармоқларининг барча жабҳаларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича самарали ишларнинг давом эттирилиши натижасида сўнгги 5 йил мобайнида ЯХМнинг ўсиш суръати ўртача 10,5 фоизга ўсган. 2015 йилда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 фоизга ўсди.

Кейинги йилларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар бўлмоқда. Асосий таркибни ташкил этувчи қишлоқ хўжалигининг улуши сўнгги йилларда 44,2 фоиздан 11,4 фоизга камайиши натижасида, хизматлар турини кўпайтириш ва ушбу соҳага кенг имкониятлар яратилиши натижасида хизматларнинг улуши 44,5 фоизга ошди.

Сўнгги икки йил давомида саноатни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ва корхоналарни модернизация қилиш, технологик янгилаш, инвестицияларни кенг жалб қилинишига натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошиб бориб, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 2014 йилда 12,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 12,5 фоизга етди.

Кейинги 5 йил давомида аҳоли жон бошига халқ истеомоли моллари, хизматлар ҳамда аҳолининг пул даромадлари ошганлиги натижасида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот 2015 йил якуни билан 2159,8 минг сўмни ташкил қилиб, 2009 йилга нисбатан 1289,8 минг сўмга кўпайган.

Сирдарё вилоятда жорий йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3298,4 млрд.сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 113,6 фоизни (вилоят саноатининг республикадаги улуши 5,3 фоиз) ва бу кўрсаткич ўтган беш йил мобайнида 2,2 мартага, шунингдек, халқ истеомол

моллари ишлаб чиқариш 2,0 мартага ошиши натижасида бу кўрсаткич бўйича Республикадаги улуши 9,5 фоизга етди.

Халқ истеомол моллари ишлаб чиқариш жорий йил якуни билан 2121,3 млрд сўмни ёки ўсиш суроати 114,3 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ иқтисодиётдаги ўзгаришлар даврида корхоналар бозор муносабатларининг муҳим субъекти бўлиб қолмоқда. Вилоятдаги саноат корхоналарида эскирган ускуна ва технологияларини янгилаб, замон талабларига жавоб бера оладиган янгича шаклдаги жиҳозлар ўрнатиш ҳамда шу билан биргаликда янги турдаги бозор (замон) талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, жумладан: трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ускуналарнинг 60 фоиз, мебел ишлаб чиқаришда 80 фоиз, тикувчилик, тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш дастгоҳларининг 90 фоизи янгиланди.

### **1.3. Таркибий ўзгаришлар шароитида аҳоли даромадларнинг табақалашуви**

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг тенгсизлиги, уларнинг фарқланиши хосдир. Бозор иқтисодиётида тақсимот муносабати тенгликни эмас, балки тенгсизликни келтириб чиқаради ва бу иқтисодиёт ўсишига катта рағбат беради. Бозор иқтисодиётидаги даромадлар тенгсизлигининг икки зиддий жиҳати мавжуд. Тенгсизлик, биринчидан, адолатли, иккинчидан адоласиз ҳисобланади. Даромадларнинг иш қобилияти, билим, малака, маҳорат ва умуман салоҳиятга қараб тақсимланишидан келиб чиққан тенгсизлик табиатан адолатли ҳисобланади. Яхши ишлаган ишчи ёки хизматчининг кўп даромад топиши табиий, чунки у ҳаётини неъматларни кўп ва сифатли яратгани учун уларни кўпроқ ўзлаштириши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик даромади бўлган фойданинг миқдори ҳам ишбилармонлик қобилиятига, у берган натижага боғлиқ бўлади. Катта даромад яхши иш натижаси бўлганидан бу ҳам умуминсоний қоидалар жиҳатдан адолатли даромад ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлардаги тенгсизлик кишилар ишлаб топган пул миқдорида катта фарқлар бўлишини билдиради. Тенгсизликни асосан тўрт омил пайдо этади:

1) Кишиларнинг туғма қобилиятлари, куч-қуввати, ақл-идроки, салоҳият ва заковати, хуллас иш қобилияти бир хил эмас. Шу туфайли улар иқтисодий фаолият натижасида ҳар хил даромад кўрадилар.

2) Даромаддаги тенгсизлик кишилар ўз салоҳиятини ишга солиш имкониятларига боғлиқ. Билим олиш, касб эгаллаш, малакани ошириш имкониятлари бўлган ва иш топиладиган жойда даромад кўп бўлса, бундай шароитлар йўқ жойда даромад оз бўлади. Масалан, бу борада пойтахт ва қишлоқ жойлари орасидаги бўлган фарқ жуда катта бўлади. Шу сабабли меҳнат миграцияси жуда ривожланиб боради. Бу ҳолат барча мамлакатларга хос бўлган нарса.

3) Тенгсизликни оила таркибининг ҳар хил бўлиши ҳам юзага келтиради, агар оила таркибида пултопарлар кўп бўлиб, боқимандалар оз бўлса, унинг жами даромади кўп бўлади, аксинча бўлса даромад оз бўлади.

4) Даромадлардаги фарқни иқтисодий хатар ҳам юзага келтиради. Бозор иқтисодиёти тасодифлардан холи эмас. Улар даромадларга, айниқса тадбиркор даромадига таъсир этади. Бозорда нарх ошиб кетса, катт даромад келади. Агар нарх пасайиб кетса, кутилган даромад ҳам олинмайди. Демак, даромадлардаги фарқни бозор ҳолати ўзгаришлари ҳам юзага келтиради.

Даромадлардаги тенгсизлик табиий бир ҳол бўлиб, даромади озларни яхши ишлаб пул топишга ундайди. Даромадлардаги фарқлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад суммасига қараб аниқланади. Бунинг учун оила кўрган ялпи даромад суммасига қараб аниқланади. Бунинг учун оила кўрган ялпи даромадни унинг аъзолари сонига бўлинади. Мамлакат


аҳолисининг даромадидаги тфовутлар даражаси таҳлил этилганда 10 фоиз бой аҳолининг даромади билан 10 фоиз камбағал оилалар даромади таққосланади. Натижада бойлар ва камбағаллар даромади неча қарра фарқланиши аниқланади. Россияда 2014 йили бу даромадлар солиштирилганда бойларнинг даромади камбағалларникидан 13,5 марта кўп бўлгани аниқланади. Ўзбекистонда бу фарқ 7 марта эди. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич (Жини коэффиенти) Россияда 20, Ўзбекистонда – 8.

Даромадларга қараб аҳоли табақалашганда унинг ҳар хил қатламлари пайдо бўлади. Бу қатламлар ўз даромадларига кўра ижтимоий иерархияни ёки пирамидани ташкил этади (1.5-расм).

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида даромад кўп бўлганидан давлат бойлар даромади ҳисобидан камбағаллар даромадини ошириб боради. Натижада аҳоли ўта бой ва ўта камбағалларга ажралиб қолмайди. Даромадлар қанчалик адолатли бўлмасин, барибир камбағаллик муаммоси сақланиб қолади. Кимнинг камбағал эканлиги оила даромадининг умумий миқдorigа қараб эмас, балки бу даромаднинг оила жон бошига тўғри келадиган миқдorigа қараб аниқланади ва оила тирикчилигининг минимал қийматига нисбатан баҳоланади.

Агар даромад жон бошига тирикчилик қийматидан паст бўлса, оила камбағал ҳисобланади. Масалан, оиланинг жами даромади бир ойда 1500000 сўм, оила 5 кишидан иборат, демак, жон бошига даромад 300000 сўмни ташкил этади. Оиланинг минимал тирикчилик қиймати жон бошига ҳисобланганда 350000 сўм. Бунда оила даромади унинг тирикчилик қийматига етмайди ( $300000 < 350000$ ). Демак, оила камбағал ҳисобланади. Яширин ёки ҳисобга кирмаган даромад бор жойда оиланинг топган пулига қараб унинг камбағаллигини аниқлаб бўлмайди. Оиланинг расмий даромади оз бўлгани ҳолда у амалда камбағал бўлмаслиги мумкин. Масалан, ҳисоб-китобда оиланинг жон бошига даромади паст, лекин унинг уйида сигири, автомашинаси, мебелли, видео, рангли телевизорли бор. Бу оила мол-мулки назарда тутилса, камбағал эмас, демак ёрдамга муҳтож бўлмайди.

Жамият ҳамиша камбағалликни тугатиш йўлидан боради. Унинг синалган икки йўли мавжуд. Биринчиси, камбағалларда иқтисодий фаоллик уйғотиш. Иккинчиси, камбағалларга давлатнинг ва фирмаларнинг моддий ёрдам беришини ташкил этиш. Бу восита зарур болса-да, боқимандалик кайфиятини туғдириб, фаолликка ундамайди. Шу сабабли бу йўл ўзини ўзи боқишга қодир бўлмаган кишиларга, масалан, ногиронларга ва кўп болали оилаларга нисбатан қўлланади.



**1.5-расм. Даромад бўйича аҳоли пирамидаси<sup>6</sup>**

Аҳоли даромадларининг шаклланиши кўплаб омиллар таъсири остида юз беради. Улар жумласига одамнинг ўзига боғлиқ бўлган омилларни, яъни

<sup>6</sup>Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилагн.

унинг меҳнатга муносабатини, билим, касбий ва меҳнат салоҳиятини киритиш мумкин. Даромадларнинг шаклланишида корхонанинг мулкчилик шакли, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, корхона тармоғи, жойлашган ўрни, меҳнат-ташкилий маданият ва муносабатларининг ривожланганлиги каби омиллар ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир. Даромадлар таркиби ва манбалари кўп жihatдан давлат тузилиши тизими ва иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги билан объектив боғлиқдир. Умуман ушбу омиллар иқтисодий сиёсатнинг ва хусусан даромадлар сиёсатнинг йўналишларини белгилайди.

1.1.-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда аҳолининг шахсий даромадлари таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ислохотлар даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг улуши аҳолининг умумий пул даромадларида жиддий равишда пасайиб борди: 1996 йилдаги 82,3% дан 2014 йилда 33,0% га тушди. Демак, меҳнат ҳақи улушида пасайиш тенденцияси кўзатилса, тадбиркорлик даромадлари тескари – юксалиш тенденцияга эга: 1996 йилда атиги 3,4% дан 2014 йилда 50,6% гача кўтарилди. Ушбу тенденцияни ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин, чунки бу аҳолининг иқтисодий фаол қисмидан анчасининг тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасига ўтаётганлигининг оқибатидир.

### 1.1.-жадвал

#### Ўзбекистон аҳолиси пул даромадларидаги таркибий ўзгаришлар (1996-2014 йиллар)<sup>7</sup>

№	Кўрсаткичлар	1996	2003	2005	2014*
1.	Меҳнатга ҳақ тўлаш	82,3	54,3	56,6	33,0
2.	Социал трансфертлар	14,3	14,9	11,4	16,4
3.	Тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар ва бошқа даромадлар	3,4	30,8	32,0	50,6
	Жами пул даромадлари	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>7</sup> Ўзбекистан в цифрах. Стат. сборник Госкомстата Р.Уз. – Т.: 2015, с.59.

8. Хайитов А.А. Аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш... - Т., //М АИМ Вазирлиги, 2014. 2 б.

2015 йилда иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди. Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсган. Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга алоҳида эътибор берилётгани, содда қилиб айтганда, ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмасин, деган тамойилга амал қилиб келинаёпти.

Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффициенти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015-йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Айтиш керак – бошқалар ҳавас қиладиган бундай натижаларга эришиш албатта осон эмас. Бу йўлда бир йиллик ёки беш йиллик давр ҳам камлик қилади. Бундай мақсадларга эришиш учун сўзда эмас, амалий ҳаракатларимиз билан кундалик ҳаётимизни ўзгартиришимиз керак. Аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгаймоқда. Чакана савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсди.

Аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Бугунги кунда ушбу товарларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобил телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолиси даромадларни оширишнинг энг самарали йўли, бу касаначиликни ривожлантиришдир. Касаначиликни ривожлантириш оила даромадини оширишда муҳим масалани ҳал этади ва ишлаб чиқаришга банд этилмаган аҳолини фаол қисмини, айниқса унинг ижтимоий заиф қисмини жалб этиш имконини яратади, бу эса миллий хусусиятларга ва халқаро амалиёт талабларига жавоб беради.

Ушбу бобдаги назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳозирги замонда аҳоли даромадларнинг турли хил шакллари ривожланмоқда. Ўзбекистонда аҳолининг шахсий даромадлари таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди.

2. Иш ҳақи кўпчилик аҳолининг асосий даромади. Ривожланган мамлакатда жами даромадларнинг 70-80 фоизини иш ҳақи ташкил этади. Ўзбекистонда унинг аҳоли даромадидаги ҳиссаси 1994 йилда 58 фоизни ташкил топган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 33 фоизни ташкил топган.

3. Тадбиркорлик даромадлари тескари – юксалиш тенденсияга эга: 1994 йилда атиги 3,4% дан 2014 йилда 50,6% гача кўтарилди. Ушбу тенденсияни ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин, чунки бу аҳолининг иқтисодий

фаол қисмидан анчасининг тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасига ўтаётганлигининг оқибатидир.

## II – БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

### 2.1. Инвестицияларни жалб этишнинг таркибий ўзгаришлар учун аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси демократик бозор иқтисодиётини шакллантириш томон йўл олиб, жаҳон хужалиги муносабатларига, халқаро инвестицион ҳамкорлик жараёнига тобора чуқурроқ қушилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиётини таркибий қайта қуриш ва фаол инвестицион фаолиятнинг зарурлигини белгилаб беради. Кенг куламда хорижий инвестицияларни жалб этиш, стратегик мақсадларни кўзлайди ва олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ислохотлар модели ўз самарадорлигини кўрсатиб бормоқда. Бу нарсани 2.1-жадвалда кўриш мумкин:

#### 2.1-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётнинг ривожланиши асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суратлари, %						
	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2014
ЯИМ (ишлаб чиқарилган)	103,8	107,0	107,3	109,5	109,0	108,5	108,0
Иқтисодиётнинг тармоқлари Саноат	105,9	107,3	110,8	112,1	112,7	108,3	108,8
Қишлоқ хўжалиги	103,1	106,2	106,2	106,1	104,5	106,8	106,8
Асосий капиталга сармоялар	100,9	107,0	109,1	122,9	128,3	109,2	116,6
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси	32,3	16,0	14,0	14,0	14,0	14,0	12,0
Ишсизлик даражаси	0,4	0,3	0,4	0,2	0,4	0,1	0,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларни мақсадга йўналтирилган ҳолда ва тизимли амалга ошириш натижасида ўсишнинг

<sup>8</sup> ЎзР Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган. Т., 2014. 3-б.

барқарор юқори суръатларини макроиктисодий мувозанатликни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгариш, модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.

2014 йилда ўзлаштирилган сармоялар ҳажми эквивалентда 13,0 млрд.долл. ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 11,3 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар ҳажми 3,0 млрд. АҚШ долл. ортиқ бўлди, унинг 72 фоизидан ортиғи (2,2 млрд. АҚШ долл.) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестиция дастури доирасида ишлаб чиқариш йўналишида умумий қиймати қарийб 2,7 млрд. АҚШ долл. ташкил этган 150 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди.

Хорижий инвестицияларнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги, иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришиш ва иқтисодиётнинг юксалишидаги аҳамияти юқори.

Инвесторларнинг у ёки бу мамлакатга сармоя киритишга тайёрлиги, жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми, уларнинг таркиби ва динамикаси авваламбор, у ёки бу мамлакатнинг маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестицион жозибадорлиги яъни мамлакатда мавжуд бўлган инвестиция иқлимига боғлиқдир. Мамлакатдаги хорижий инвестициялар оқимига таъсир этувчи шарт-шароитлари “Инвестицион иқлим” деб аталувчи умумий тушунча остида бирлашган турли хил омиллар мажмуига боғлиқ. Инвесторлар у ёки бу мамлакатда қандай шароитда фаолият юритишларига бефарқ эмаслар ва бу ерда асосий инвестицион сиёсат ва инвестиция иқлимига тегишлидир. Инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг самарадорлигининг ошиши, маҳсулот ва миллий даромад ўсишини таъминланишига боғлиқ бўлган капитал қуйилмаларнинг энг устувор йўналишларни белгилайди. Инвестиция иқлими инвестицияларга нисбатан ҳудудда, тармоқда вужудга келган вазиятларнинг ижобийлик даражасини характерлайди. Амалиёт шуни курсатадики, инвесторлар сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги билан ажралиб турувчи мамлакатларга қизиқиш курсатадилар.

Қулай инвестицион иқлим бирқарор сиёсий ва макроиқтисодий шароитларнинг шаклланиши, молк-мулк ҳуқуқи ҳимоясининг яратилишини кўзда тутди. Бироқ биргина инвестицион иқлимнинг яхшиланиши хорижий инвестициялар ҳажмининг шиддат билан ошишини таъминлай олмайди. Ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари тажрибасининг курсатилишича, инвестицион иқлимнинг яхшиланиши хорижий бевосита инвестициялар оқимининг зарурий, аммо етарли бўлмаган шарт ҳисобланади. Бу вазифанинг ҳал этилиши хорижий инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларни ва мамлакатнинг хорижий сармоядорлари учун инвестиция жавобгарлигини оширишга ва уларнинг эътиборини мамлакат ҳудудидаги истиқлолли инвестицион лойиҳаларига жалб этишга қаратилган махсус рағбатлар яратилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини талаб этади. Бу ўз навбатида мамлакат инвестиция жозибадорлигининг ошишига таъсир этади. Жаҳон инвестициялар бозори кескин рақобат майдони бўлиб унда хорижий инвесторлар эркин, барқарор ва олдиндан кўриб бўладиган инвестиция режимини тақдим этувчи мамлакатлар ютади. Хорижий сармояни бевосита инвестициялар шаклида жалб этишнинг иқтисодий авзалликларини ҳукуматлар томонидан англашнинг ўсиши сабабли 90-йиллардан бошлаб хорижий инвестицияларни тартибга солиш режимларини эркинлаштириш жараёни фаол олиб бормоқда. Мамлакатлар хорижий инвесторлар учун ўз инвестиционал иқлимларни қулайроқ қилиш мақсадида янги қонунчилик ва тартибга солиш нормаларни киритишда давом этмоқдалар. Охириги олти йиллар давомида дунёда хорижий туғридан-туғри инвестицияларни тартибга солиш режимларида 1320 ўзгаришлар кўзатилди, шундан 1190 (90%) таси қулай инвестицион иқлим яратишга қаратилган эди. Бунни қуйидаги 2.2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин:

Замонавий шароитда ривожланган мамлакатлар ҳам, ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ҳам ўз иқтисодиётига тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун фискал молиявий ва бошқа турдаги инвестиция рағбатларидан фаол фойдаланадилар:

– Фискал рағбатлар: солиқ таътиллари, фойда солиқ имтиёзлари, инвестиция ва реинвестиция учун фойдаланадиган маблағларга нисбатан имтиёзлар, тезлаштирилган амартизация режими, ташқи савдо имтиёзлари;

– Молиявий рағбатлар: бошланғич ҳаражатларнинг бир қисмини қоплаш учун давлат субсидияларнинг берилиши, кредит кафолатлари ёки имтиёзли кредитларнинг тақдим этилиши, давлат томонидан суғирталашнинг имтиёзи шартларини таъминлаш;

– Бошқа рағбатлар: инвестицион инфратузилмани яратиш учун давлат харажатлари, махсус иқтисодий зоналарни яратиш ва бошқалар.

## 2.2– жадвал

### Инвестицион режимлардаги ўзгаришлар

Кўрсаткичлар	2001 йил	2004 йил	2014 йил
Ўз инвестиция режимларига ўзгариш киритган мамлакатлар сони	69	82	93
Режимлардаги ўзгаришлар сони	150	242	205
Жумладан: - ХТИ лар унинг янада қулай шартлар яратиш	147	218	164
- ХТИ лар учун ноқулай шартлар яратиш	3	24	41

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Бундай рағбатларни қўллаш амалда ХТИ бозоридаги муваффақиятли рақобатнинг зарурий шarti бўлиб қолди ва булар кўпгина мамлакатлар томонидан қўлланади. Бундан ташқари, ЎЗР раҳбарияти оқилона сиёсати ва тегишли ҳаракатлари натижада миллий иқтисодиётнинг таркиби тубдан ўзгарди .

Инвестицион иқлим сармоя киритишнинг имконияти ва самарадорлигини, инвестицион жозибадорлик мамлакатнинг сармояни жалб қилишдаги афзалликларни белгилайди.

## **2.2. Таркибий ўзгаришлардаги давлатнинг инвестиция сиёсати ва унинг роли**

Ўзбекистон ўз иқтисодий сиёсатини юритишда бозор муносабатларига ўтишнинг ўз моделини танлаган бўлиб, у давлат томонидан мувоффиқлаштириб туриладиган ижтимоий юналтирилган хўжаликдан иборат. Инвестицияларнинг ҳажми ва таркиби мамлакатдаги макроиқтисодий мувозанатга, ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштирилиши ва ривожлантиришига бевосита таъсир кўрсатади.

Инвестиция фаоллигининг ошиши иқтисодий ривожланишнинг айна пайтдаги босқичи хусусиятларини ҳисобга олибчи оқилона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этади. Айнан мана шундай сиёсат мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, унинг ишлаб чиқариш техник салоҳиятининг ўсишига сезиларли тасир кўрсатадиган самарали воситага айланади.

Инвестиция сиёсати, давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, қуйилган мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатли, шунингдек узоқ истиқбол учун белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади хўжалик субъектларининг манфатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш, хорижий шериклар билан бирга қўшма корхоналар ташкил қилиш ва ҳокозолар асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини ошириш ва ундан самарали фойдаланишни тامينлашдир. У, биринчи навбатда инвестиция жараёнларини давлат томонидан бошқарилиши ва кўллаб – қувватланишининг тасирчан тизимини шакиллантириш орқали республика иқтисодий мустақиллигининг моддий – техникавий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши даркор. Шу муносабат билан инвестиция сиёсати ҳам хорижий сармоядорларнинг хўжалик фаолиятини юритиш учун учун қулай шароит яратиш керак. Бунда корхоналар ва аҳолининг

инвестиция фаоллигини рағбатлантиришга, республика иқтисодиётига хорижий капитални кенг жалб қилишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Инвестиция сиёсатини шакиллантириш йўлида ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг хусусиятлари ва даражасини, жамиятнинг биринчи навбатдаги вазифалари ва давлатнинг реал иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, иқтисодий бошқарув усуллари ролини кучайтириш иқтисодий ривожланиш муоммоларини ҳал қилишда ҳудудлар ва минтақаларнинг фаоллиятини фаоллаштиришни тақазо этади. Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг илк босқичида мамлакат иқтисодиётида тўпланиб қолган салбий омиллар туфайли, инвестиция фаоллиятнинг кескин пасайиши кузатилди. Бундай ҳолатнинг янада чуқирлашувига йўл қўймаслик ва вазиятни барқорарлаштириш учун бирмунча қулай шароит яратишга фақат 1990 – йилларнинг иккинчи ярмида, яъни иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш имконияти пайдо бўлгандагина эришилди.

Давлатнинг инвестиция сиёсати Ўзбекистонда ислохотларнинг илк босқичида иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартиришга, тармоқларга ва ишлаб чиқаришга капитал киритмалар тузилмасини ўзгартиришга йўналтирилган эди. Шу мақсадда Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ушбу дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши иқтисодий ривожланиш суръатларини барқорорлаштириш ва уларнинг ислохотлардан олдинги даражасини аста – секин тиклашга ёрдам берди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 май 2006 й . “ Тикланиш ва тараққиёт фондини ташкил қилиш тўғрисида” ги Фармониға муофиқ Вазирлар Маҳкамаси томоанидан “Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятини ташкил қилиш чора – тақбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларға муофиқ иқтисодиётнинг етакчи ва базавий тармоқларини модернизациялаш ва техник

қайта қуриш, мамлакатнинг уйғун, барқарор ва муофикаштирилган ижтимоий – иқтисодий ривожланишига эришишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек. таркибий ўзгаришлар мазкур Фонд орқали амалга оширилди.

Сўнги йилларда олиб борилган инвестиция сиёсати мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ва стратегик мақсадларини белгилаш Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини аниқлаш имконини берди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида стратегик мақсад сифатида мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлайдиган асосий тармоқларни ривожлантириш устувор йўналиш деб белгиланди. Маблағлар, биринчи галда, машинасозлик, ёнилғи – энергетика комплекси тармоқлари рангли металлургия. кимё саноати каби соҳаларга йўналтирилди, янги самарали тармоқ – автомобилсозликка асос солинди. Асосий тармоқлар билан бир қатор республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш мажмуалари – енгил ва озиқ – овқат саноати ҳам тараққий этди. Мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун транспорт ва телекоммуникация тизимлари шакллантирилмоқда ва улар ички ташувлар билан бирга яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам таъминламоқда.

Айни пайтда инвестиция сиёсатининг макродаражадаги бош стратегик мақсади қайта ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат моддий – техникавий базасини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, умумиқтисодий тараққиётга эришиш (ЯИМ ҳажмининг ўсиши, янги иш жойлари сонини кўпайтириш, киритилган маблағлар самарадорлигини ошириш) га қаратилган инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб – қувватланишининг таъсирчан тизимини яратишдир. Макродаражада у хўжалик субъектлари томонидан фойда (даромад) олиниши мақсадига бўйсундирилади.

Мазкр мақсадга мувофиқ давлат инвестиция сиёсатининг асосий вазибаларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- Инвестиция фаолиятини жойлаштириш учун қулай шароит яратиш;
- Таркибий ўзгаришларни чуқирлаштириш бўйича мақсадга йўналтирилган сиёсат юритиш;
- Маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устувор тармоқларини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш;
- Инвестиция лойиҳаларни танлов асосида давлат томонидан молиялаштиришини амалга ошириш;
- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- Қурилиш материаллари ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш.

Иқтисодиётнинг деярли барча секторлари фаолиятининг ижобий динамикаси ЯИМ ҳажмининг ортиши ва унинг ўсиш суръатларининг барқарорлашувига олиб келди.

Мамлакатнинг саноат комплекси ички эҳтиёжларни қондириш билан чекланмайди. Республиканинг экспорт салоҳияти ҳам сезиларли ўсмоқла. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон енгил ва кимё саноати маҳсулотларининг салмоқли қисмини рангли металллар ва энергия ташувчиларни экспорт қилади.

Тайёр буюмлар – ип-газлама, пахта толаси, кимё саноати маҳсулотлари, турли хил хизматларнинг экспортдаги улуши аста-секин ўсиб бормоқда. Шу билан бир вақтда четдан киритиладиган пахта толаси улуши қисқариб, иқтисодий ислохотларнинг илк йилларида умумий экспорт ҳажмининг 50%ни ташкил қилган бўлса, айти пайтда бу кўрсаткич 20% ни ташкил қилади. Иқтисодий янгиланиш йилларида электро - эниргетика, нефт-газ мажмуаси металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш тармоқлари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш дастурлари босқичма- босқич амалга оширилди. Микроиқтисодий даражада ишлаб чиқариш жараёнларининг фаоллашуви, корхоналар

молиявий аҳволининг барқарорлашуви кузатилди, натижада ушбу корхоналарнинг ўз маблағларини жамғариш имконияти пайдо бўлди.

### **2.3. Инвестицияларнинг молиявий манбалар таркиби ва унинг ўзгариши**

Молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Уларнинг умумий ҳажмида бюджет маблағларининг улушининг камайиши тенденсияси кузатилди. Унинг кўрсаткичи 2004 йилдаги 30,3% дан 2014 йилда 7,4% гача камайди.

Шу билан вақтда, корхона ва ташкилотлар маблағлари улушининг ортиши 2004 йилда 27,1% бўлса, 2014 йилда 31,6% ни ташкил қилди, аҳоли маблағлари улуши эса деярли ўзгармади ва тегишлича 12% ва 15,8 % га тенг бўлди. Бу даврда банк кредитларива ва бошқа заём маблағлари тегишлича 7,5% дан 9,1% гача ўсди.

2010 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 6,0 млрд. АҚШ доллардан кўпроқ ҳажмида инвестициялар киритилди. Бундан ташқари, 2012-2014 йилларнинг ўзида иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишни таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиндики, улар, ўз навбатида, биринчидан, Инқирозга қарши чоралар ва, иккинчидан, модернизация дастурини мантиқан тўлдирди ва унда белгиланган вазифаларга мос келади.

Бозор иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодиётини соғломлаштиришнинг самарали воситаларидан бири мамлакатга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай шароит яратиш ва иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича очиқ ташқи иқтисодий сиёсат юритишдир.

Республикада хорижий капитал улуши 2004 йилда 21,7% бўлган бўлса, 2013 йилда 19,0% ни ташкил қилди (2.3.-жадвал).

Ҳозирги пайтда хорижий инвестициялар Ўзбекистон учун биринчи навбатда қайта ишловчи тармоқлардаги аксарият саноат корхоналарининг техник ва технологик қалоқлигини енгиш; саноат соҳасида моддий ва энергетик ресурслар сарфини қисқартириш мақсадида моддий – хомашё ресурсларидан комплекс ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш; маҳсулотнинг юқори технологик турларини яратишга қаратмоқдалар.

### 2.3 - жадвал

#### Ўзбекистон республикасида 2004- 2014 йилларда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби

	2004 йил	2007йил	2013 йил	2014 йил
Инвестиция, жами	100,0	100,0	100,0	100,0
Жумладан Республика бюджети	30,3	17,7	10,7	7,4
Корхона ва ташкилотлар	27,1	41,8	48,1	31,6
Аҳоли маблағлари	12,0	11,1	11,9	15,8
Банк ва бошқа қарз маблағлари	7,5	2,7	3,4	9,1
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	21,7	26,4	19,0	28,8
Бюджетдан ташқари фондлар	1,4	0,4	6,9	7,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Республика инвестиция сиёсати тармоқ жиҳатдан Ўзбекистоннинг нисбатан иқтисодий афзалликларини руёбга чиқаришга қаратилган ва мавжуд илмий техникавий салоҳиятни максимал даражада ишга солиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш ва уларни янада чуқурроқ қайта ишлаш каби йўналишларини ўз ичига олган.

Инвестиция фаолиятининг жонлантирилиши туфайли республикада инвестиция фаоллиги пасайишининг олди олинди, иқтисодий ўсишнинг барқарорлашуви ва унинг суръатларининг аста-секин ўсишига эришилди.

Энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар яхшилана борди, уларнинг суръатлари ижобий динамикага эга бўлди. Мамлакат ЯИМ ҳажми 2004-2014 йилларда 3,5 мартадан кўпга ошди, инвестициялар ҳажми эса 5,2 га кўпайди. Республикада таркибий қайта тузиш чоралари асосда илмий ва техникавий янгиликларга бозор талабларига тез таъсир кўрсата оладиган ва мослашадиган ишлаб чиқаришларни яртаиш мақсадида ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган чора тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган.

Иқтисодий ўсишнинг максимал суръатларни таъминлаган ҳамда мамлакатнинг мавжуд ресурс салоҳиятидан янада тулиқроқ фойдаланиш янги иқтисодий тармоқ тизилмасини шакиллантиришнинг бош мезони бўлмоғи лозим. Инвестицион жараёнларнинг ривожланиш ҳолати ва ўзгариш динамикасини қуйидаги 2.4- жадвалдан кўриш мумкин.

#### 2.4– жадвал

#### 2002-2014 йилларда инвестицион жараёнларга таъсир қилувчи асосий омилларнинг ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	2002	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2014
Асосий капиталнинг фойда нормаси (рентабеллик), %	19,9	7,7	8,6	12,1	-	-	-	-
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, %	24,0	16,0	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0	12,0
Солиқ юки, ЯИМга нисбатан % да	27,9	21,6	21,2	21,7	23,2	22,5	22,0	21,9
Инфляция даражаси, %	128,2	107,8	106,8	106,8	107,8	107,4	107,3	107,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистоннинг олдининг тўплаган ишлаб чиқариш, илмий техникавий ва қадирлар салоҳиятини ҳисобга олиб иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар етарлича тўлиқ шакилланган кўп тармоқли хўжалик мажмуасини яратишга йўнатирилиши, бундай мажмуаларнинг мақсади эса ишлаб

чиқарилаётган аксарият маҳсулот турларига ички талабни қондириш билан бирга истикболли ва рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришга буйсиндирилиши керак. Бу шунини билдирадики, янги ишлаб чиқарилишларнинг пайдо бўлиши мавжудларнинг янгиланиши ва қайта таъмирланиши, охир оқибат маҳсулот турини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга олиб келиши лозим.

### **III— БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА АМАЛГА ОСИРИШ МЕХАНИЗМИ**

#### **3.1. Иқтисодий ривожланишнинг инновацион омиллари**

Таркибий тузилиш иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланиши, унинг самарали ва барқарор ўсиши учун катта аҳамият касб этади. Масалан, жанубий-шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши энг аввало ушбу мамлакатлар учун янги ноаноанавий бўлган тармоқларни тезлик билан ривожлантириш, яъни миллий иқтисодиёт тузилишини кескин ўзгартириш натижасида рўй берди.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси турли соҳа ва тармоқларнинг нисбатини намоён этиб, ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида шаклланади. Мазкур тузилмага фан-техника тараққиёти, иқтисодиётнинг циклик ривожланиши ва бошқа омилларнинг таъсири остида рўй берувчи миқдорий ва сифат ўзгаришлар таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагилар киради:

- мамлакатнинг табиий-географик жиҳатдан жойлашуви;
- таркиб топган бозор конъюнктураси;
- бозорларнинг монополлашув даражаси ва сифими;
- мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки ва ўрни;
- ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси;
- фан-техника тараққиётнинг ривожланиш суръатлари, тавсифи ва миқёси;
- ишлаб чиқарувчи кучларнинг сифати;
- ҳудуднинг майдони ва инфратузилма билан таъминланганлиги;
- экологиянинг ҳолати.

Шуни таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг самарали шаклланиши ва ривожланиши учун унинг турли қисмлари ўртасида мутаносиблик ҳам мавжуд бўлиши керак.

Миллий иқтисодиётнинг мутаносибликлари энг аввало юқорида айтиб ўтилган омиллар таъсири остида объектив тарзда шаклланади. Мазкур мутаносибликларнинг таркиб топиш жараёни айти пайтда иқтисодиётдаги таркибий ўзгариш ва силжишлар, ижтимоий ишлаб чиқариш ҳамда ҳудудлараро ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига туртки беради.

Бироқ, иқтисодий мутаносибликлар ҳар доим ҳам ўзидан-ўзи, мустақил равишда самарали ва оқилона таркиб топиш хусусиятига эга эмас. Бунга кўплаб объектив ва субъектив таъсирдаги омиллар тўсқинлик қилиши мумкин. Шунга кўра, иқтисодий мутаносибликларнинг таркиб топиш жараёнини тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодий ислохотлар орқали аста-секин муҳим мутаносибликлар шакллантирилиши республика ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2015 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришининг улуши 8 фоизга етган.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишнинг қарийб 70 фоизини юқори кўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккаҳокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига

карамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2014 йилда 11,3 фоизга тушди<sup>9</sup>.

2011 йилда экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Мустақиллик йилларда давлат бюджети харажатларнинг таркиби ҳам сифат жиҳатидан ўзгарди. Ҳозирги вақтда давлат харажатлари таркибида кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини муҳофаза қилишни амалга оширишни молиялаштириш асосий ўрин тутди. Таркибий ўзгаришлар, натижада ижтимоий соҳани ҳам камраб олиб, аҳолини қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган харажатлар улуши 1990 йилдаги 31,5 фоиздан 2000 йилда 42,5 фоизга ва 2010 йилда 59 фоизга изчил ўсди. Шунини айтиш жоизки, 2011 йилда давлат бюджетнинг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Бюджетнинг умумий харажатлар таркибида 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таоминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Миллий иқтисодиётнинг ўсишини ошириш инновацион жараёнларини фаоллаштириш билан узвий боғлиқ. Булар - ишлаб чиқаришга юқори технологияларни жорий этиш, энг яхши истеъмол хусусиятларига эга ҳамда ички ва ташқи бозорларда хорижий шу каби маҳсулотлар мувофақиятли рақобатлаша оладиган инновация маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Шунинг учун инновацияни фаолиятини мекро даражада тизимини бошқаришга боғлиқ масалалар буйича қарорлар қабул қилиш даражасида ҳам ниҳоятда долазарбдир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда инновация секлини маркалаштирашдан ташкил қилишнинг янги шакли ва усуллари пайдо бўлмоқда. Янги буғимлар юзага келишининг жадал жараёни кечмоқда, унинг асосий вазифаси жорий

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга прогнозлари .- Т.: “ЎЗБЕКИСТОН”, 2014. Б. 59-61.

ишларни бажаришдир. Янгиликларни киритишда “тадбиркорларча” ёндошув тобора кенг тарқалиб бормоқда, бунда кашфётчи янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича ишларнинг раҳбарига айланмоқда.

### 3.1 – жадвал

#### Тақдим этилган ихтироларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари бўйича тақсимланиши

Тармоқлар	2008 йил	2014 йил
Жами:	2114	2873
1. Энгергитика	26	54
2. Нефт – газ қазиб олиш саноати	221	334
3. Машинасозлик	198	223
4. Ускунасозлик	74	92
5. Электронка ва электро техника	86	111
6. Металлургия	116	197
7. Геология сесмология	78	112
8. Кимё биокимё	226	281
9. Тўқимачилик саноати	114	198
10. Пахта тозалаш саноати	76	118
11. Қурилиш ва қурилиш материаллари	112	164
12. Озиқ-овқат саноати	236	284
13. Тиббиёт ва тиббиёт техника	225	248
14. Фармацевтика	114	152
15. Қишлоқ хўжалиги	98	114
16. Транспорт	76	116
17. Бошқалар	38	75

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Охирги маҳсулотнинг рақобатбардошлигини янада кенгрок таъминлашнинг зарур шarti иновасия фаолияти бошқаришни, ақлий фаолият натижасини халқаро бозордаги кескин рақобатга дош бера оладиган товар даражасига олиб чиқиш механизимини такомиллаштиришдан иборат. Шу муносабатлар билан, миллий кашфётчиларнинг фаолиятини ошириш муаммоси долазарблик касб этади. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича рўйхатга олинган ихтироларнинг тақсимланиши 3.1-жадвалда кўрсатилган.

Жадвалда кўриладики таклиф қилинган ихтироларнинг аксарят сони нефт-газ казиб чиқариш саноатига (11,6%) юналтирилган. Аризаларнинг сони умуман иқтисодиёт буйича 1,3 марта ошган. Бу нарса инавагон фаолликнинг усишдан далолат беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври янгича ёндошувини тақозо этади. Унинг хусусияти ва тамоили илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни марказлаштирилмаган ташкил қилинишидир. Бунда асосий эътибор конунчиликда белгилаб берилган ўз – ўзини ташкил қилиш тамоилига қаратилиши лозим бу эса бошланғич тадқиқот жамоаси ролининг ўзгаришига олиб келади. Илим – фаннинг ташкилий таркибидаги бош бўғин институт эмас балки канкрет муаммони ишлаб чиқувчи тадқиқот жамоа бўлиши керак.

Ўзбекистон шароитида инаватцион корхоналарнинг мувофақиятли фаолиятини таъминлаш ишида қуйдаги вазифаларни ҳал қилиш катта аҳамият касб этади:

- Бутун инаватция фаолиятининг истъемолчи эҳтиёжларига буйсинади;
- Инновация жараёнини тезлаштириш мақсадида бошқармада даражалар сонини қисқартириш;
- Янгиликларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш муддатларини қисқартириш;
- Кўпроқ маҳаллий менежерларнинг малакасига боғлиқ бўлган, янгиликларни излаш ва ўзлаштиришга моил муҳитни яратиш.

Республикамизда ҳозирги иқтисодий шароитлардан кичик тадбиркорлик тизилмалари доим ҳам йрик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмасдан янги маҳсулот яъний технологияларни ишлаб чиқишга қодир бўлмайди.

Республикада пайдо бўлаётган инноватцион фирмаларнинг бошланғич капитали аклий ресурслардан иборат. Улар шахсий техник қувватларга эга бўлмай, ўзгарувчандир. Бу нарса ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда жуда қимматли хусусият ҳисобланади. Булар Ўзбекистонда масалан

компютер саводхонлигига ургатувчи, дастурий воситаларни яратиш буйича фирмалар, хўжалик ҳисобидаги узликсиз таълим марказларидир.

Консалтинг инновацион фирмалар катта имкониятларга эга. Бундай фирмаларнинг асосий маҳсулот – турли хилдаги маърузалар шаклини олган ғоялардир: истиқболлар (прогноزلар) лойхаларни баҳолаш таклифлар, режалар, статистик маълумотлар ва ҳақозо.

Илмий меҳнатнинг интеллектуал мақсади ўз хусуиятига кўра моддий маҳсулотнинг сифат ва миқдор хусусиятларида акс этади. Ишлаб чиқаришда истемол қилинган улар амартизация қилинмайди, ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматига булаклаб ўтказмайди, айланма фондлар каби момилага киришмайди.

Бугунги кунда маҳаллий илмий-техникавий маҳсулот муаллифлари чет эл бозорлари томон илк қадам қўймоқда. Мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси қуёш физикаси институти томонидан ишлаб чиқилган портатив ускуналар тизими қатор мамлакатлар томонидан сотиб олинмоқда ва қуёш энергия технологияси кенг тарқалмоқда. Бошқа мисол рангли металлургия саноат текшириш илмий институтининг илмий ишланмаси инноватцион цикилнинг барча босқичларидан ўтказилди. Лойха натижаси янги технолгия яратиш ва уни Олмалик кон металлургия комбенатидаги ишлаб чиқариш жараёнида жорий этишдир. Тегишли технология хорижий шериклар томонидан тан олинди ва уларда қизиқиш ўйғотди.

Статистика маълумотларига қараганда 2013 йилда 434 та ташкилот илмий татқиқот ва ишланмалар олиб борди. Жумладан, қишлоқ ва сув хўжалик тизимларда – 85, “ўз архив” агентлигида – 67, соғлиқни сақлаш тизимида – 34, фанлар академиясида – 51, олий таълим вазирлигида – 40 та. Ишланмаларнинг катта қисми илмий тадқиқот ташкилотлари томонидан бажарилди. (184та)<sup>10</sup>. 2009-2013 йилларда умумий харажатлар ҳажмда

<sup>10</sup> Илмий техник салоҳиятининг асосий кўрсаткичлари .Статистик ахборотномаси.Т., 2014. 6-б.

бюджет маблаълар 4,6 % ташкил қилди<sup>11</sup>. Шундай қилиб, давлат аста секин илмий-техник дастурлардаги ўз иштирокини камайтириб бормоқда ва илмий – тадқиқот ташкилотларни фаолияти ўз маблағлари, ички ва ташқи сармоялар инвестицияларидан фойдаланишга юналтирилмоқда.

Аммо экспертларнинг фикрича, ... “хусусий сектор фақат ўз маблағлари ҳисобига рақобат бардошлиқни таъминловчи инновацияларнинг тўлиқ ва мустақкам механизмини ярата олмайди.

Инновация муҳитни ревожлантириш давлатнинг турли юналишдаги сайиҳаракатини тақозо этади. Аввалом бор эътибор қуйдаги муаммоларга қаратилиши керак:

– Корхоналар учун янги технологияларни синовдан ўтказишнинг юқори таваккалчилигини, айниқса кичик корхоналар учун;

– Инновацион ишланмалар ва уларни жорий қилиш учун ўз ресурсларини тақлиф қилувчи ва молиявий инвестиция институтларининг бозорининг йўқлиги;

– Илм фан ишлаб чиқариш илм билан боғлайдиган инновацион воситалар тармоғи етарлича ревожланмаганлиги;

– Рақобат муҳити маҳаллий корхона инновацияларни жорий этиш рағбатлантирилмайди;

– Бизнесни ташкил қилишда ананавий ёндошувларининг сақланиб қолиши, яъни маблағларни намунавий товарларни ишлаб чиқаришга сармоя қилиш.

Республикамизда инновацион фаолиятни ревожлантириш учун шароий яратиш мақсадида давлат қуйдагиларни амалга ошириш лозим:

– Хусусий ташаббускорликни инновацион тадқиқотларга қаратувчи қулай бизнес муҳитни шакиллантириш мақсадида иқтисодий сиёсат ва техникавий ислохатлар сиёсатини оптималлаштириш;

---

<sup>11</sup>Ўша ерда. 17 б.

– Микро, меззо ва минтақавий даражаларда инноватцион инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш.

Мазкур вазифаларни ҳал қилиш жараёнида тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар безнисини ташкил қилишни ананавий моделидан инноватцион моделига ўтишни қўлга киритадилар.

Корхонанинг стандартлар ва сифатга муносиблик сертификатларини расмийлаштиришдаги ҳаражатлардаги камайтириш шунингдек бу ишларни соддалаштириш инноватция фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Сифат сертификатига эга бўлиш корхонанинг мажбурий эмас балки ихтиёрий иши бўлмоғи лозим.

Инноватция фаолиятини ривожлантиришга янгича ривожланишни жорий этиш учун қуйдаги тамоилларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

– Рақобат бардош имконини берадиган фан сиғими юқори бўлган юқори технологияларни жорий этиш;

– Саноатда инноватцион фаолиятни ривожлантиришнинг янги воситаларни яратиш (шартнома, грант келишуви);

– Илмий тадқиқот фаолиятини сармоялашни билвосита рағбарлантириш усулларини ривожлантириш давлат илмий тадқиқот ва илмий муассасаларни лицензиялаш жараёнини молиявий қўллаб – қўвватлаш, солиқ имтиёзлари, пасайтирилган кретит ставкалари буйича қарз бериш.

Иқтисодиётни ҳозирги босқичда инноватцион ревожлантиришнинг давлат томонидан бошқарилиши объект ва субъектлар эмас жараёнлар даражасида амалга оширилиши керак. Бу таркибий ишлаб чиқаришга тизимлий ёндошувига тақозо этади. Ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни илм фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ақлий фаолиятни институтционал – ҳуқуқий ва ижтимоий молиявий бошқаришни шакиллантириш билан боғлиқ. Бундай асосда кичик корхоналар учун солиқ имтиёзлари, жорий этиш нодавлат ташкилотларни мақсадли қўллаб – қўвватлашни фундаментал ва амалий тадқиқотларни давлат томонидан бошқарилиши билан уйғунлаштириш зарурдир.

### **3.2. Минтақаларни ривожлантириш ва саноати тармоқ таркибининг инвестициявий-инновацион стратегияси**

Минтақа хўжалиги иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ҳудуд ишлаб чиқариш кучларини ўзида мужассам этади. Шу сабабли иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий таркиби нисбати масалаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Статистик маълумотлар вилоят саноати ишлаб чиқариши ҳажмининг кейинги 12 йил давомида 20 баробар ортанлигини кўрсатмоқда<sup>12</sup>. Минтақа саноатидаги тадрижий ўзгаришлар қуйидаги жараёнлар билан боғлиқ : хизматлар соҳаси ҳажми ва аҳамияти роли ва ўрни ортиб бормоқда, аграр соҳа тармоқлари асосида унинг маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси кўпаймоқда.

Ҳудуд иқтисодиёти тармоқ таркибининг такомиллашувига илмий-техника тараққиётининг таъсири ортиб бормоқда. Аноанавий тармоқлар йўқолиб, янги тармоқлар пайдо бўлмоқда .

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби қуйидаги йўналишда ривожланмоқда:

1. Ишлаб чиқариш технологияси тубдан такомиллашмоқда.
2. Ишлов берувчи тармоқлар ундирувчи тармоқларга нисбатан жадал ривожланмоқда.
3. Хизмат кўрсатувчи тармоқлар субъектлари сони кўпайиб, вилоят ЯҲМидаги салмоғи ортиб бормоқда.

Сирдарё вилояти саноатининг тармоқ таркиби сўнгги йиллар давомида анча такомиллашиб, бугунги рақобат шарт-шароитларига мослашиб бормоқда. Агар озиқ-овқат саноатининг вилоят саноати тармоқ таркибидаги улуши 2000 йилда 50,6 фоизни ташкил етган бўлса, 2014 йилга келиб, 44,3 фоизга камайди. Ушбу тармоқда модернизация жараёнлари анча фаол кечмоқда. Масалан, 2000 йилда озиқ-овқат саноатида бандларнинг улуши 33

<sup>12</sup> Эгамбердиева У.Т. Минтақа саноати тармоқ таркибини такомиллаштириш йўллари і. /Иқтисодиётни модернизация қилиш... - Т., 2013. 272-274 б.

фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилга келиб 25,3 фоизга камайди.

Ҳозирги даврда ўзида инновацион ривожланиши элементларини мужассамловчи замонавий тармоқларнинг ривожланиши ва саноат таркибидаги улушининг юқори бўлиши эса ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади. ЎзР Президентининг ташаббусларига кўра, мамлакат саноатини жадал ривожлантириш борасидаги истиқбол (2011-2015 й.) дастурининг ишлаб чиқилиши ушбу соҳадаги ижобий модернизациялаш жараёнларни бошлаб берди.

Вилоят саноати таркибини таҳлил этиш бизга қуйидаги хулосаларни чиқариш имкониятини берди:

- саноат таркибида юқори технологияга асосланган, маҳсулотларга чуқур ишлов берувчи тармоқларнинг улушини кўпайтириш;

- вилоятда сифими юқори бўлган ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган тармоқларнинг улушини янада ошириш.

Техник ўзгаришларга мослашиш суръатлари минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси айрим ҳудудлар учун (Тошкент вилояти ва шаҳри, Навоий, Фарғона, Андижон вилоятлари) учун рақобатбардошликни ошириш воситаси сифатида технологияларни рағбатлантириш инвестиция–инновация стратегиясини қўллаш лозим.

Замонавий минтақавий сиёсатнинг бошқа стратегияси хизматлар соҳасини ривожлантиришга туртки бериш мумкин.

Минтақани ривожлантириш жуда самарали инвестиция-инновацион ривожлантириш стратегияси тажовузкорлик даражаси буйича фарқ қилиши ёки мудофаа тусига эга бўлиши мумкин.

Инвестиция стратегиясининг тақлидий модели технологик етакчилар томонидан фойдаланилган ёки ишлаб чиқарилган технологиялар ва маҳсулотларнинг худдий уша турини ёки модификациясини инвестициялашнинг жорий этилишини назарда тутди.

Тақлидий моделдан фойдаланиш бозорни сушт ўзлаштирилишга асосланиши мумкин. Бунинг сабаблари турлича аммо аксарият холларда минтақаларнинг молявий ожизлигига бориб тақалади.

Айрим тадқиқотчилар, тақлидий стратегиянинг қуйдаги кўринишларини ажратади:

1. Жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида илғор илмий техник ишланмаларга таяниб технологик олға силжишга қаратилган “Птонерча” модринация;

2. Иккин турдаги “етиб олувчи” модринация. Улар халқаро миқёсида рақобатбардошлигига эришишга қаратилмаган.

Тақлидий стратегиянинг самарадорлиги, амалий аҳамиятга эгаллиги ва давомийлигидан далолат берувчи жиҳати шуки, у “японча иқтисодий мужиза” нинг асосий шартларидан бири бўлган.

Минтақанинг ривожланишининг инноватцион стратегияси бозорлар ва технологияларни шакиллантириш мақсадида юқори кескинлик даражасига эга инноватцияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни назарда тутуди.

Инвестиция – инноватция стратегияси мураккаб ташкилий жараён бўлиб, ҳар томонлама тавақалчилик билан боғлиқдир. Минтақанинг ушбу стратегиясини амалга оширишда илмий тадқиқот фирмалари ва бўлинмаларнинг хизматларидан фойдаланишдан турли вариантлари винчур стратегия деб аталади. Ушбу усулнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у капиталнинг турли шакллари: акционерлик, ссуда, тадбиркорликнинг уйғунлигидан иборат.

### **3.3. Иқтисодий ўсишда патент, лицензия ва сертификациянинг Ижтимоий - иқтисодий аҳамияти**

Лицензиялаш мазмунини англаш учун унинг патент билан ўхшаш ва ўхшамаслик томонларини ва хоссаларни аниқлаш керак. Патент (лотинча патенс – очик ойдин бўлган) – тегишли давлат идораси томондан кашфиётчига бериладиган ва фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қиладиган

маъмурий гувоҳнома. Патент алоҳида шахсга ёки ташкилотга (фирма, компанияга) берилиши мумкин. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда патент одатда 15-20 йилга берилади. Шу муддат ичида фойдаланиш учун патент эгаси маълум тегишли пуллик тўловини тўлаши керак. Патент фақат берилган мамлакати ҳудудида амал қилиниши мумкин.

Глобаллашув шароитида 1973 йилда 14-та Ғарбий Европа мамлакати махсус Конвенсияни имзолади. Уни асосида “Европа патент бюроси” деган ташкилот ташкил қилинди. Мақсад – патент эгаси агар ушбу ташкилотдан патентни олган бўлса шу 14-та мамлакат ичида уша патентни қўллаши мумкин.

Патентни қўллаш дегани – демак, ёки ўзи ишлаб чиқаришни ташкил қилади, ёки тўлиғича патентни сотади, ёки лицензия сотиш орқали фақат қисман патентни сотиши мумкин. Агар лицензия бошқа мамлакатга сотилса, уша мамлакатда тегишли патент бошқатдан рўйхатдан ўтказилиб берилади. Ҳозирги замонда патент – бу рақобат борасида жуда муҳим ва кучли қўрол ҳисобланади. Сабаби – монополия патентларни сотиб олиши ва эгалик қилиш орқали минтақа ёки жаҳон миқёсида ўзининг техник ва технологик устунлигини таъминлайди. Чунки патентга эгалик қилиш йўли орқали маълум бир монополия ёки мамлакат янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилишига тўсқинлик яратади.

Дунёда энг кўп хорижий патентларни АҚШ мамлакати қабул қилмоқда – йилга ўртача 50-60 мигтагача. Агар янгилик маълум бир корхонада кашфиётчи томондан яратилган бўлса ва улар ўртасида тегишли шартнома мавжуд бўлса ёки кашфиёт топшириқни бажариш жараёнида яратилса – бу ҳолатда патент қўшмча тарзда кашфиётчига ва корхонага (фирма, компанияга) берилади. Умуман олганда, патент – бу товар, маълум бир мол-мулк. Уни тегишли бозори мавжуд, ва жаҳон миқёсда бу бозор жуда ҳам чаққон ва катта хажмига эга. Лицензиялаш соҳада қатор муаммолар мавжуд. Лицензия – (лот, эркинлик, ҳуқуқ – маного эга) – тегишли давлат идораси томонидан бериладиган маълум бир хўжалик фаолиятни юритиш учун

руҳсатнома.

Кўпчилик мамлакатларда янги корхона, завод кўриш учун лицензия олиш орқали амалгам оширилади. Шу нарса ҳудуд ва минтақалар ўртасида ишлаб чиқариш кучларни оқилина тақсимлаш учун зарур. Демак, лицензиялашнинг асосий вазифаси – бу ҳўжалик фаолиятни оқилона ва самарали бошқариш ҳисобланади.

Лицензиялашнинг яна битта муҳим вазифаси мавжуд – бу ташқи савдони тартибга солиш ва унумли бошқариш. Бу маънода, лицензия – бу товарларни ташқи бозорга чиқариш ёки киритиш учун мулжалланган ва импорт ёки экспорт қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга тегишли давлат идораси томонидан бериладиган ҳужжат. Лицензияларнинг турларига келсак, ташқи савдога оид бўлган икки тур лицензиялари мавжуд:

1-тури. Очик умумий (генералний) лицензия – бу оммавий матбуотда молларни (товарларни) олиб кириш ёки чиқариш маълум бир муддатга (чорак, ярим йиллик, йиллик) бўлган эълон қилинган руҳсат. Ушбу очик генерал лицензиянинг руҳатига киритилган товарлар тусиқсиз олиб чиқарилиши ёки киритилиши мумкин.

2-тури. Қолган молларга – индивидуал лицензия олинади. Ушбу лицензия алоҳида тадбиркор томонидан алоҳида товарга олинади.

Лицензиялаш – бу давлат томонидан тадқиқот, ҳўжалик (масалан, ташқи савдони) фаолиятларни тартибга солиш ва умуман миллий иқтисодиётни бошқаришни муҳим механизми. Лицензиялаш орқали давлат экспорт ва импорт ҳажмини белгилайди ёки умуман уларга йўл қўймайди. Лицензиялаш – жуда ҳам самарали иқтисодий-ҳўжалик механизми. Айни инқироз даврида бу механизм жуда ҳам зарур. Масалан, 1929-1933 йилларда жаҳон инқирози даврида лицензиялаш протекционизм сиёсатининг самарали воситаси сифатида жуда ҳам ривожланган. Протекцио – лотинча, ҳимоя қилиш – давлатнинг сиёсати – миллий иқтисодиётни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилиш йўли билан олиб борилаётган сиёсат.

Илмий-тадқиқот соҳасида лицензиялаш – бу кашфиётчидан ташқари

бошқа шахс ёки ташкилот учун ихтиро, тажриба, ишлаб чиқариш сирлари, савдо маркасидан фойдаланиши учун бериладиган рухсат. Лицензиялаш – бу тижорат келишув орқали амалгам оширилади ва тегишли шартнома асосида расмийлаштирилади.

Ушбу шартномада патент эгаси лицензиар деб аталади. Лицензиар бошқа шахсга ўзининг патентга бўлган ҳуқуқини қисман ёки тўлиғича бериши мумкин. Ҳуқуқларни қабул қилувчи шахс лицензиат деб аталади. Кўпчилик ҳолатларда маълум бир лицензиянинг замирида битта эмас, балки катор бир бирига боғлиқ бўлган патентлар ётади. Баъзи бир ҳолларда шартнома ишлаб чиқариш сирларни ўзатиш (бериш) тўғрисида келишувлари бўлиши мумкин. Лицензия фақат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш эмас, балки савдо белгидан фойдаланиш учун ҳам берилиши мумкин, маълум бир маҳсулотни реализация қилиш мақсадида. Одатда лицензиянинг асосий шартларидан бири – бу маълум бир соҳада қўлланилиши мумкинлиги.

Патент лицензиялари уч хил булади:

1) Оддий Лицензия – фойдаланувчига шартнома доирасида тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш имкони беради. Шу билан бирга патент эгаси, Лицензия берувчи параллел равишда ўзи фойдаланиши мумкин ёки бошқа фойдаланувчиларга тегишли ҳуқуқини бериши мумкин.

2) Тўлиқ лицензия лицензиатга фақат ва фақат шахсан, индивидуал барча ҳуқуқларни беради.

Оддий лицензия оммабоп товарларни ишлаб чиқариш учун бериледи.

ИТТ шароитларида замонавий тезкор жараёнлари – техника ва технологияларнинг тез-тез эскириши лицензияларга оид шартномалар амал қилиш муддатлари қисқаришига олиб келмоқда. Лицензияларни сотиш ҳажми ва лицензиялар бозори жадал ривожланмоқда, чунки жуда ҳам катта иқтисодий фойда бермоқда. Асосий сабаби – лицензия кўшимча сармоя талаб қилмайди. Лицензияни сотиб олувчи ҳам манфаатдор, чунки тайёр лицензияни сотиб олгани орқали вақтни ва ресурсларни тежайди.

Сертификатлаштириш деб, маҳсулот (буюм, мол) ёки хизматларни муайян стандарт ёки техник шартларга мос келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолиятга айтилади.

“Сертификатлаштириш” ибораси лотинча сўздан олинган бўлиб, “тўғри қилинган” деган маънони билдиради. Маҳсулот, хизмат ва жараённинг тўғри қилинганлиги ёки бажарилганлиги уларнинг меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келишини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган учинчи томон ёрдамида текширив орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлиқ мос келадиган маҳсулот хизмат ёки жараён сертификатлаштиришдан бемалол ўтади. Сертификатлаштиришдан асосий мақсад – маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонанинг меъёрий ҳужжатлар талаблари мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига ишонч ҳосил қилишдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам корхоналарнинг маҳсулотлари ва сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказилиши миллий маҳсулотимизни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими. Асосий қоидалар)да маҳсулот, хизмат, жараён ёки бошқа объектларни сертификатлаштириш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ҳамда сертификатлаштиришда қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарликлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида маҳсулот (хизмат) ни сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий равишда амалга оширилади. Мажбурий сертификатлаштириш - бу сертификатлаштириш ваколатига эга бўлган идора томонидан маҳсулотнинг стандартлардаги мажбурий таабларга мувофиқлигини тасдиқлашдир. Маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонуни асосида ишлаб

чиқилган. Ушбу қонун хавфсизлигини тасдиқаш талаб этиладиган маҳсулотлар, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини Республика ҳудудига олиб келиш ва уларни четга чиқариш қоидаларини белгилайди ҳамда бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади ва бу рўйхатда сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг коди курсатилади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш деганда, ишлаб чиқарувчи (бажарвчи), сотувчи (таминловчи) ёки истеомолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган сертификатлаштириш тушинилади. Маҳсулот, хизмат ва жараёнлардан ташқари корхона ёки ташкилотнинг ишлаб чиқариш шароитлари ҳам сертификатлаштиришдан ўтказилади. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш – бу сертификатлаштириш идораси ёки бошқа махсус ваколатга эга бўлган идора томонидан маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур ва етарли шароитлар мавжудлигини, унга тегишли бўлган меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларнинг барқарорлиги ва сертификатлаштиришда назорат остига олинишини таъминлашнинг расмий тасдиғидир.

Сифат тизимини сертификатлаштириш деганда, тизимнинг халқаро ва миллий стандарт талабларига мувофиқ келишини текшириш, баҳолаш ва сертификат бериш орқали тасдиқлаш ҳақидаги фаолият тушинилади. Сифат тизимини сертификатлаштириш таъминловчининг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара олишига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қошидаги давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази-Ўздавстандарт Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш бўйича миллий идораси ҳисобланади ва у қуйидаг йўналишда ўз фаолиятини олиб боради:

- сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, сертификатлаштиришни ўтказишиш бўйича умумий қоидалар ўрнатиш (белгилаш) ва улар ҳақида расмий ахборотларни мўатбуотда босиб чиқиш;

- республикамизда сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳукумат муҳокамасига тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқоро стандартлаштириш тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва стандартлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида битимлар тузиш, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар ва халқоро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистон Республикасини ушбу ташкилотлар фаолиятида қатнашишларини таъминлаш;

- Мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини белгилаш;

- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳаси бўйича назорат қилиш идоралари ҳамда эксперт-аудиторларни аккредитлаш;

- Сертификатлаштирилган маҳсулотлар, сифатни бошқариш тизимлари, сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар, синов лабораториялари (марказлари), сифат бўйича эксперт аудиторларнинг Давлат реестрини юритиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган жиҳозларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш;

- Сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш ҳамда синов лабораториялари ва бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари томонидан сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга ошириш;

- Мувофиқлик сертификатлари ва белгиларини амал қилишини бекор қилиш ва тўхтатиш, сертификатлаштириш бўйича идоралар (органлар)-нинг аккредитланганлиги ҳақидаги гувоҳномаларини бекор қилиш,

сертификатлаштириш бўйича қониний меъёрларни бузганлиги учун синов лабораториялари (марказлари)нинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича Ўздавстандарт томонидан аккредитланган идоралар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимини тузиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;
- Сертификатлаштиришни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- Миллий мувофиқлик ёки чет эл мамлакатларининг мувофиқлик сертификати белгиларини бериш ва расмийлаштириш;
- Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан текширувларни амалга ошириш;
- Республикада сертификатлаштириш миллий тизимининг талабларига асосан сертификатлаштириладиган маҳсулот турлари ва мажбурий сертификатлаштириш учун меъорий ҳужжатларни белгилаш;
- Сертификатлаштириш, аккредитлаш ва синовлар бўйича тизимининг давлат руйхатини олиб бориш;
- Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини аниқлаш.

Юқорида таъкидланганидек, республика ҳудудларида сертификатлаштириш бўйича миллий идора (орган) вазифаларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш метрологик хизматлар бажаради. Бу хизматлар Ўздавстандарт ваколати асосида қуйидаги ишларни бажаради:

- маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчилар (бажарувчилар ва уларни етказиб берувчилар, таъминловчиларга) га сертификатлаштириш қоидалари тўғрисида расмий равишда хабар бериш;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан давлат текшируви ва назорати ҳамда улар томонидан сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг инспекционал текширувини амалга ошириш;
- Ўздавстандарт топшириғига асосан сертификатлаштириш бўйича ҳудудий идоралар ва синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш

бўйича комиссиялар ташкил қилиш, уларнинг иши, идора ва лабораториялари (марказлари) ҳамда инспекцион текширувларида иштирок этиш.

Юқорида кўсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўздавстандарт илмий-тадқиқот, синон ташкилотлари, илмий-техник ва жамоа ташкилотлари ҳамда истеомолчилар жамиятларини жалб этади.

Сертификатлаштириш миллий тизими - бу сертификатлаштириш бўйича ўзининг бошқарув ва ижро идоралари (органлари) ҳамда тартиб қоидаларига эга бўлган ва давлат миқёсида амал қиладиган тизим. Республикамизда сертификатлаштириш миллий тизими тўлиқ шаклланган ва у амалда унунг қоида ва тартиблари халқаро стандартлари, Европа стандартлари ҳамда сертификатлаштириш билан шуғулланувчи бошқа халқаро меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ тузилган. Бундай чоралар, ўз навбатида сертификатлаштириш идоралари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ва белгиларини чет мамлакатларда ҳам тан олинишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими қоидалари ва “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” ги Қонун биргина республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларгина эмас, балки четдан келтирилган маҳсулотлар учун ҳам таалуклидир.

Сертификатлаштириш соҳасидаги асосий атама ва тушунчаларнинг мазмуни, республикада сертификатлаштириш жараёнларини ўтказиш тартиб ва қоидаларини белгилаш, сертификатлаш миллий тизимининг асосий мақсади ҳисобланади. Сертификатлаштиришнинг асосий мақсади эса, инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф-муҳитни турли зарарли таъсирлардан сақлаш ҳамда товарлар ўзаро алмашуви ва мувофиқлиги бўйича истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш, халқаро тижорат ишларида тўсиқларни бартараф этиш ва миллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Шуларни эътиборга олган ҳолда, сертификатлаш миллий тизими қуйидаги масалалар бўйича иш олиб боради:

- Сертификатлаштириш фаолиятида ишлатиладиган ва меъёрий ҳужжатларда қўлланиладиган асосий атама ва тушунчаларнинг номлари ва мазмунини белгилаш;

- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича умумий қоида ва тартибларини белгилаш;

- Сертификатлаштириш жараёнида қўлланиладиган меъёрий ва раҳбарий ҳужжатларни белгилаш;

- Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва синов лабораториялари (марказлари) нинг аккредитлаш қоидаларини белгилаш;

- Сертификатлаштириш қатнашчиларининг давлат бошқаруви идоралари (органлари) билан ўзаро ҳамкорлик қилишни ташкил этиш.

Сертификатлаштириш маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларни меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлайди. Мувофиқлик турлари эса, Ўзбекистон сертификатлаштириш давлат тизимида белгиланган. Маҳсулотларни сертификатлаштириш бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар томонидан амалга оширилади. Сертификатлаштириш синовларини аккредитланган синов лабораториялари (марказлари) ўтказди.

Юқорида таъкидланганидек, сертификатлаштиришнинг вазифалари ҳам унинг асосий мақсадидан келиб чиқади ва бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун зарарли ёки хавfli бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан қатъий назорат ўрнатиш;

- жаҳон бозорида миллий маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш;

- миллий ва қўшма корхоналар ҳамда тадбиркорларнинг халқаро тижорат ишларида қатнашиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш;

- истеъмолчини маҳсулот ишлаб чиқарувчи (сотувчи, бажарувчи) нинг ноинсофлигидан ҳимия қилиш;

- истеъмолчиларнинг талабларида кўрсатилган талабларни маҳсулот сифати орқали таъминлаш.

Маҳсулот, хизмат ва жараённинг тўғри қилинганлиги ёки бажарилганлиги уларнинг меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келишини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган учинчи томон ёрдамида текширив орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлиқ мос келадиган маҳсулот, хизмат ёки жараён сертификатлаштиришдан бемалол ўтади. Сертификатлаштиришдан асосий мақсад – маҳсулот ишлаб чиқараётган корxonанинг меъёрий ҳужжатлар талаблари мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига ишонч ҳосил қилишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам корxonаларнинг маҳсулотлари ва сифат тизимларининг сертификатлаштиришдан ўтказилиши миллий маҳсулотимизни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сертификатлаштириш миллий тизими- бу сертификатлаштириш бўйича ўзининг бошқарув ва ижро идоралари (органлари) ҳамда тартиб қоидаларига эга бўлган ва давлат миқёсида амал қиладиган тизим.

Ҳар бир корхона (компания) ёки ташкилот ўзининг сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки яхши хизмат кўрсатишдан манфаатдор бўлади, чунки бу бозор иқтисодиёти талабларидан биридир. Шунингдек, ҳар қандай сифатли маҳсулот ёки хизмат қуйидаги талабларга мувофиқ келиши керак:

- истеомолчининг маълум бир эҳтиёжни қондириши;
- истеъмолчиларнинг талабларини тўлиқ қондириш;
- амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари ва ҳаракатдаги қонун-қоидалар ҳамда жамиятнинг бошқа талабларига жавоб бериши;
- истеъмолчиларга рақобат нархида таклиф қилиниши;
- корхона томонидан фойда олинишини таъминлаш ва бошқалар.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш корxonаси сифатни доимо таъминлаш ва унга самаралироқ раҳбарлик қилиш мақсадида умумий тизимга эга бўлиши шарт ва у корхона сифатни бошқариш бўйича белгиланган мақсадга эришиш

учун хизмат қилишга қаратилиши керак. Сифатга умумий раҳбарлик қилиш тизимининг мазмуни эса корхона фаолияти йўналиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулот ассортиментининг мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Корхона ёки компаноянинг сифат тизими сифатга умумий раҳбарлик қилиш фаолиятининг асосини ташкил этади ва бу асос корхона ёки ташкилотнинг сифат бўйича сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилади ва у бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тизим деганда, бир-бири билан ўзаро муносабатда ва боғлиқ бўлган ҳамда маълум бир бутунликни (умумийликни) ҳосил қилувчи элементлар тўплами тушунилади ёки тизим – бу умумий белгилари бўйича бирлашган қандайдир элементлар ёки бирликлар мажмуидир. Сифат тизими- бу сифат бўйича умумий раҳбарликни таъминлайдиган ташкилий тизимлар, маъсулиятлар, ишлар (вазифалар), жараёнлар ва ресурслар мажмуидир.

Яна бошқа бир талқинда сифат тизими – бу биринчи навбатда корхонада истеъмолчига керак бўлган маҳсулотни етказиб бериш ёки ташкилотга хизмат кўрсатишига имкон яратиб берувчи ишларни ташкил этишдаги муайян усулдир.

Сифат тизимини сертификатлаштиришдан ўтказиш учун корхона сертификатлаштириш идорасига буюртманома ва буюртманомага қилинган илова юбоилади. Иловада сифат бўйича қўлланма, сифат ҳақидаги ахборот, рекламалар ҳақидаги маълумотлар, мувофиқлик сертификати ва шунга ўхшаш ҳужжатлар бўлади.

Сертификатлаштириш идорасининг илтимосига кўра корхона сифат тизими ҳақида бошқа қўшимча маълумотлар ҳам тақдим этиши мумкин.

Сифат тизимини сертификатлаштириш қуйидаги икки асосий босқичдан иборат бўлади:

- сифат тизимини дастлабки текшириш ;
- сертификатлаштириш аудити ва мувофиқлик сертификатини бериш.

Сифат тизимини дастлабки текшириш (баҳолаш) босқичи сертификатлаштириш бўйича ишларни кейинчалик ўтказилишини мақсадга муқофқлигини аниқлаш ва сифат тизимини аудит дастурини ишлаб чиқиш учун амалга оширилади. Аудитни ўтказиш учун эса текширув раҳбари (бош эксперт- аудитор) бошқарадиган комиссия ташкил этилади. Комиссия таркибига сифат тизимларини сертификатлаштиришдан ўтказиш гуруҳига аттестасияланган эксперт-аудиторлар ҳам киради.

Сифат тизимини дастлабки баҳолашиши (текшириш) сертификатлаштириш аудитни ўтказиш ҳақидаги баённома (қарор) ҳамда сўровчи (аризачи) ва сертификатлаштириш идораси ўртасида шартнома тузилиши билан яқунланади. Аудит дастури аудит бошланишидан олдин сўровчи (аризачи) билан келишиб олинади.

Иккинчи босқич юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ва қоидалар асосида амалга оширилади.

Сифат тизимларини сертификатлаштириш корхона ёки ташкилотга қуйидаги афзалликларни беради:

- самарали бошқариш таъминланади;
- маҳсулот сифатининг барқарорлигига раҳбариятда ишонч ҳосил бўлади;
- истеъмолчилардан маҳсулотни қайтиб келиши шикоятлар камаяди;
- корхона ходимларига қизиқарли барқарор ва кўп ҳақ тўланадиган иш шаклланади;
- корхона обрўи ва давлат буюртмаси олиш истиқболлари кўпаяди;
- корхонанинг рақобатбардошлиги ошиши ва экспорт потенциали ривожланади;
- ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сарф-харажатларни камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига корхона даромадини жиддий ўсиши ва бошқалар.

Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш шаклида бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлаштириш

тизимида икки хил сертификатлаштириш турлари ишлатилади: мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш. Маҳсулотларни (хизматларни) у ёки бу турдаги сертификатлаштиришга мансублиги, уларнинг ташқи муҳит, инсон саломатлиги ва мол-мулкига зарарли таъсири асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам атроф-муҳит, инсон соғлиғи ва унинг мол-мулкига таъсир кўрсатувчи маҳсулот (хизматлар) албатта мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилади, қолган маҳсулотлар эса ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 августдаги 409-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган ва унинг ҳудудидан четга чиқариладиган, хавфсизлигини таъминлаш учун мажбурий сертификатлаштириш керак бўлган маҳсулотлар рўхатини, сертификатлаштириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан маҳсулотлар, шу жумладан сертификатлаштириш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини Республика ҳудудига киритиш ёки уларни республика ҳудудидан олиб чиқиб кетиш тартиб-қоидалари кўрсатиб берилган. Шунингдек ушбу қарор билан мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказиладиган маҳсулотлар рўйхати ҳам тасдиқланган.

Ушбу қарорга асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилади. Миллий маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш қоида ва тартиблари Ўзбекистон Республикасининг раҳбарий ҳужжатида белгилаб берилган.

Мажбурий сертификатлаштириш деганда сертификатлаштириш ҳуқуқига эга бўлган сертификатлаштириш идораси томонидан маҳсулот, жараён ёки хизматнинг меъёрий ҳужжатларда мажбурий талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида кўрсатилганидек, ҳар қандай маҳсулот юридик ва жисмоний шахсларнинг

ташаббуси билан унинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

Юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш тизими маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштиришдан ташқари ихтиёрий сертификатлаштирилиши ҳам амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш рўйхатига киритилмаган маҳсулотлар таъминловчи (тадбиркор, бажарувчи), сотувчи (таъминловчи) ёки истеомолчининг шахсий ташаббусига кўра ихтиёрий равишда сертификатлаштирилиши мумкин. Ихтиёрий сертификатлаштириш деганда, ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки истеомолчининг ташаббуси билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган сертификатлаштириш тушинилади. Ихтиёрий сертификатлаштиришнинг асосий мақсади маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш ва ўзини сифат тизимига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Шунингдек, ихтиёрий сертификатлаштириш ўзига хос реклама вазифасини ҳам бажаради.

Маҳсулотларни ихтиёрий сертификатлаштириш қонун-қоидалари ва тартиблари ҳам маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш қонун-қоидалари ва тартибларига ўхшаш бўлиб, ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтган маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилади. Сертификатлаштириш тартиб ва қоидаларини белгиловчи ихтиёрий сертификатлаштириш тизими Ўздавстандарт билан келишилган ҳолда аккредитланган идоралар томонидан ўрнатилади (белгиланади).

Чет эл мамлакатларининг сертификатлаштириш амалиёти ва тажрибаси шунини кўрсатадики, маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматлар хавфсизлигини текшириш бўйича ўтказиладиган ишлар бутун жаҳон миқёсида амалга оширилади. Маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш эса, маҳсулотни сертификатлаштириш орқали ёки сертификатларни тан олиш ҳамда республикадан ташқарида товар ишлаб чиқарувчиларга товарлари учун берилган ташқи мувофиқлик гувоҳномалари орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда турли идоралар (ташкилотлар) томонидан бажариладиган маҳсулот хавфсизлигини текширишнинг кўплаб проседуралари ва услублари мавжуд. Буларга стандартлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати, санитария-гигиена назорати, маҳсулотни маҳкама текшируви ва уни қабул қилиши, миллий истеъмолчи ташкилотлар томонидан бажарилаётган маҳсулот сифати ва хавфсизлигини текшириш бўйича фаолиятларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Чет мамлакатларда хавфсизлик ва хусусий бизнеснинг пайдо бўлган анъаналари соҳасида яхши ривожланган қонунчиликнинг мавжудлигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хавфсизлиги, уни текшириш, синаш ва яроқсизлантириш жавобгарлиги ишлаб чиқарувчига юклатилган. Давлатнинг текшируви идоралари ялпи текширувларни амалга оширмайди, улар фақат жабрланган томон ёки унинг вакилини мурожати бўйича ноинсоф ишлаб чиқарувчиларга нисбатан суд тартибида зарур чоралар қўллайди. Кўплаб чет мамлакатларининг қонунчилиги маҳсулотнинг муайян (мавжуд) турлари ва гуруҳларига бўлган талабларни белгиловчи алоҳида қонунлардан ташкил топган. Масалан, сертификатлаштириш бўйича франсуз ассоциациясининг маълумотларига қараганда, Европа иқтисодий ҳамжамияти аъзо мамлакатларида ва Европа эркин савдо ассоциациясида 500дан ортиқ буюмлар сертификатлаштирилади. 300дан ортиқ сертификатлаштириш тизимлари ва 700дан ортиқ сертификатлаштириш идоралари фаолият кўрсатади.

Саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатларда кўпдан буён ва кенг миқёсда қўлланилаётган сертификатлаштириш ўз мамлакатлари ва ўз бозорларига миллий стандартлар ёки мамлакатда амал қилаётган бошқа техник меъёрий ҳужжатларга мувофиқ келмайдиган маҳсулотларни кириб келишдан ҳимия қилади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, чет мамлакатларида битта маҳсулот учун мўлжалланган стандартлар ва бошқа турли техник меъёрлар бир-биридан фарқ қилади, натижада улар халқаро савдода техник тўсиқлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам жаҳон бозорида рақибларни ҳуқуқли шерикчилигини таъминлаш учун уларни мувофиқлаштиришни тақазо этади. Барча чет мамлакатларида сертификатлаштириш идораларидан ташқари уларнинг чегараларида жойлашган махсус хизматлар ҳам мавжуд.

Бу хизматлар четдан олиб киритилаётган маҳсулотнинг ветеринария (чорва ва чорвачилик маҳсулотлари), тез бузулувчи маҳсулотлар, алоҳида кимёвий моддалар, транспорт воситаларини текширув каби текшириш турларини амалга оширади. 1947 йилдан бошлаб тарифлар ва савдо бўйича фаолият кўрсатиб келаётган бош битим жаҳон савдо қоидаларини ишлаб чиқувчи халқаро ташкилот ҳисобланади.

Синов ташкилотларини ўзаро тан олиш ва аккредитлаш соҳаларида халқаро даражада давлатлар орасидаги ҳамкорлик 1977 йилда чиқарилган синов лабораторияларни аккредитлаш бўйича халқаро конференция доирасида амалга оширилади.

Демак, ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси сифатни доимо таъминлаш ва унга самаралироқ раҳбарлик қилиш мақсадида умумий тизимга эга бўлиши шарт ва у корхона сифатни бошқариш бўйича белгиланган мақсадга эришиш учун хизмат қилишга қаратилиши керак. Сифатга умумий раҳбарлик қилиш тизимининг мазмуни эса корхона фаолияти йўналиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулот ассортиментининг мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлаштириш тизимида икки хил сертификатлаштириш турлари ишлатилади: мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш. Маҳсулотларни (хизматларни) у ёки бу турдаги сертификатлаштиришга мансублиги, уларнинг ташқи муҳит, инсон саломатлиги ва мол-мулкига зарарли таъсири асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам атроф-муҳит, инсон соғлиғи ва унинг мол-мулкига таъсир кўрсатувчи маҳсулот (хизматлар) албатта мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилади, қолган маҳсулотлар эса ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади. Чет мамлакатларда хавфсизлик ва хусусий

бизнеснинг пайдо бўлган анъаналари соҳасида яхши ривожланган қонунчиликнинг мавжудлигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хавфсизлиги, уни текшириш, синаш ва яроқсизлантириш жавобгарлиги ишлаб чиқарувчига юклатилган. Давлатнинг текшируви идоралари ялпи текширувларни амалга оширмайди, улар фақат жабрланган томон ёки унинг вакилини мурожати бўйича ноинсоф ишлаб чиқарувчиларга нисбатан суд тартибида зарур чоралар қўллайди. Кўплаб чет мамлакатларининг қонунчилиги маҳсулотнинг муайян (мавжуд) турлари ва гуруҳларига бўлган талабларни белгиловчи алоҳида қонунлардан ташкил топган.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда амалгам оширилаётган таркибий ислохотларнинг иқтисодий ва модернизациялашдаги аҳамияти шундаки, улар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини қайта ишлаш, инновация ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рақобатбардошликни ошириш учун шароит яратиш керак.

Битирув малакавий ишимизда ўтказилган тадқиқотлар ҳозирги замон жамият ва иқтисодий модернизациялаш шароитида қуйидаги хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқишга олиб келди:

- Модернизация, таркибий ўзгаришлар, диверсификация – бир бири билан чамбарчас боғлиқ иқтисодий ходиса ва илмий тушунчалардир;
- Ўзбекистонда ва шу жумладан Сирдарё вилояти ва Гулистон шаҳрида модернизациялаш устувор йўналиш ва чораларидан энг асосийларидан бири корхоналарни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;
- Иқтисодийнинг реал сектори ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш;
- Электро–энергетика соҳасини модернизация қилиш;
- Кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб – қўвватлашни кучайтириш, аҳоли бандлигига ва янги иш ўринларни ташкил этишга кўмаклашиш каби чора – тадбирларни қамраб олади;
- Иқтисодийнинг устувор соҳаларни молиялаштиришда давлат кафолати остида олинган кредитларни фақат узок муддатларга яъни 20 йилдан 40 йилгача ҳамда имкитиёзли ставкаларда, хусусан 0,5 фоиздан 2 фоизгача бўлган миқторда жалб қилиш;
- Социал иқтисодий шаклланиши шароитларидан, ҳудудда иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ва таҳлил этишдаги бош вазифа – иқтисодий ислох қилиш буйича тадбирларнинг ижтимоий ва

хўжалик юритиш жараёнларига таъсири ва ўзаро алоқадорликларини аниқлаш ҳисобланади.

- Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳатлар ўз миқёси ва ўзгартиришлар буйича хўжалик юритишда янгича ёндашувлар ва механизмалар зарурлигини талаб этади.

- Худудларни бошқаришда иқтисодий усулларни ривожлантиришдан асосий мақсад – йирик минтақавий сотциал – иқтисодий муаммоларни ҳал этишни амалда таъминлаш ва шу асосда самарали минтақавий сиёсат ўтказишни яхшилашдир.

- Шундай қилиб, республика минтақаларнинг янада ривожланиши фаолият турлари рақобатбардошлигини оширишга юналтирилган инвестиция – инноватцион стратегиясини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ундан маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар рақобат афзалликларига эга. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун минтақаларнинг рақобат салоҳиятини объектив баҳолаш ва уни иқтисодиётни лебераллаштириш ва модернизациялаш шароитида ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, таркибий ислоҳотлар уч блокда амалга оширилиши зарур:

Биринчи блок – иқтисодий эркинликни кучайтириш: иқтисодиётга аралашувни камайтириш; хўжалик субъектлари учун бир хил рақобат муҳитни яратиш; солиқ юқини камайтириш ва давлат харажатларини камайтириш.

Иккинчи блок – ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш: уй-жой коммунал хўжалиги, пенсия тизими, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам ва меҳнат муносабатлари.

Учинчи блок – маъмурий ислоҳотлар: марказ ва минтақалар ўртасидаги муносабатларни ислоҳ этиш.

Шундай қилиб, иқтисодиётда амалгам ошириладиган таркибий ислохотлар инвестицион фаолият шарт-шароитларини яхшилайти ва мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: Иқтисодиёт ҳуқуқ дунёси, 2014.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунига шарҳлар. – Т.: Шарқ, 2012. 375 б.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010, 5-сон. Закони Республикаси Узбекистан.

2.2. Республика Узбекистан: Законни ва указы. Т.: Узбекистан, 2012. 382 с.

2.3. Распоряжение Президента Республики Узбекистан "Об образовании комиссии по разработке Программы по формированию Единой комплексной стратегии территориального развития Узбекистана на 2007-2011 годы" № Ф-2482 от 20.04.2006.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меоёрий ҳужжатлар**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 42-сонли Қарори, 2002-йил 31-январ.

3.2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О программе модернизации и реконструкции предприятий хлопкоочистительной промышленности на 2007-2011 годы" 03.04.2007 г. № 70.

3.3. Постановление Кабинета Министров РУз "О мерах по ускоренной реализации важнейших инвестиционных проектов и закупке технологического оборудования на 2009-2010 годы" от 13.07.2009 г. № 197.

3.4. Постановление Кабинета Министров РУз "О мерах по регулированию деятельности СМФЗ "Навои" от 09.04.2009 г. № 105.

#### **4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари**

4.1. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: "Ўзбекистон", 2005. 144 б.

4.2. Каримов И.А. Наша главная цель - демократизация и обновление общества, реформирование и модернизация страны: Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 28 января 2005 г. Т.: "Узбекистан", 2005. 64 с.

4.3. Каримов И.А. Закрепляя достигнутые результаты, последовательно стремиться к новым рубежам: Доклад на заседании Кабинета Министров РУз, посвященном итогам социально-экономического развития в 2005 году и важнейшим приоритетам углубления экономических реформ 2006 году. Т.: Узбекистан, 2006.

4.4. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2007. 200 б.

4.5. Каримов И.А. Узбекистан: 16 лет независимого развития. Доклад Президента на совместном заседании Олий Мажлиса, Кабинета Министров, Аппарата Президента РУз, посвященном 16-ой годовщине Независимости Узбекистана. -Т.: Узбекистан, 2007.

4.6. Каримов И.А. Наша главная цель - неуклонно следовать курсом построения свободного общества и благополучной жизни. Доклад Президента на торжественном собрании, посвященном 15-летию Конституции РУз. -Т.: Узбекистан, 2007.

4.7. Каримов И.А. По пути модернизации страны и устойчивого развития экономики. Т.16. - Т.: ИПТД "Узбекистан", 2008. 280 с.

4.8. Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. -Т.: Узбекистан, 2009. С.48.

4.9. Каримов И.А. Модернизация страны и построение сильного гражданского общества - наш главный приоритет: Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса РУз, 27 января 2010 г. -Т.: Узбекистан, 2010.

4.10. Каримов И.А. 2012 год станет годом поднятия на новый уровень развития нашей Родины. -Т.: "Узбекистан", 2012. С. 20.

4.11. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” //Халқ сўзи. 2016. 16 январь №11.

## **5. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва мақолалар тўплами**

5.1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Меҳнат, 2009.- 511 б.

5.2. Абулкасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. - Т.: Молия, 2010. - 84 с.

5.3. Вахабов А.В., др. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. - Т.: Молия, 2012. - 297 с.

5.4. Инглгарт Р. Модернизация и постмодернизация / Под редакцией В.Л.Иноземцева. -М.: Асадемия, 2009. С. 267-268.

5.5. Сейтмуратов Р.А. Модернизация общества и структурное обновление экономики Республики Узбекистан //Монография. Т., Государственное научное изд-во "Национальная энциклопедия Узбекистана", 2006. С.140.

5.6. Вахабов А.В., Жумаев Н., Хошимов Е. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози... Т. "Академ нашр", 2009. 141 с.

5.7. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Т.: "Молия", 2012.

5.8. Сейтмуратов Р.А. и др. Социальная экономика /Учеб. пособие. -Т.: "Узбекистан", 2006. С.392.

5.9. Сейтмуратов Р.А. и др. Проблемы повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана: теория и практика /Алимов Р.А., Расулев А.Ф. и др. //Под ред. Гулямова С.С. -Т.: Консаудитинформ, 2006. С.440.

5.10. Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. -Т.: Уқитувчи, 2000.

## **6. Фойдаланилган докторлик ва номзодлик диссертациялари**

6.1. Джураев Т.Т. Иқтисодий ресурслар доиравий айланиши жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари: Автореф. дис. ...д-ра.экон.наук. Т., 2007. 39 с.

6.2. Набиев Х.М. Минтакаларда нефть ва газ саноатини инновациявий тараккий этириш: Автореф.дис. ...канд.экон.наук. Т., 2008. 23 с.

6.3. Сейтмуратов Р.А. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлари: Дисс. ... д-ра экон.наук. Т., 2012. 325 б.

## **7. Ҳисоботлар ва статистик материаллар**

7.1. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т.: ЎзДавСтатК, 2014.

7.2. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий кўрсаткичлари.

7.3. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2012. –Т.: Госкомстат Ўзбекистана. 2013. – с.130.

7.4. Статистическое обозрение Узбекистана. 2008-2014.

7.5. Узбекистан в цифрах. 2013. – Т.: 2014. – с.64-88.

## 8. Интернет саҳифаларига ҳаволалар

8.1. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб портали.

8.2. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси веб сайти.

8.3. <http://www.mfer.uz> Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.

8.4. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org). -Жаҳон Банки маълумотлари.

8.5. <http://www.ved.gov.ru/articles>